

ЯНГИ

ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 157 (157), 2020 йил 20 август, пайшанба

www.yuz.uz f yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news



СЕН – ҚУДРАТ МАНБАИ, САОДАТ МАСКАНИ, ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Инновация

IT-ПАРКЛАР —

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ЛОКОМОТИВИ

Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг муҳим шартли дастурий маҳсулот ва рақамли хизматларни тақдим этиш учун қулай шарт-шароит яратиш, уларни ички ҳамда ташқи бозорга олиб чиқиш, инновацион ишланмаларни рағбатлантиришдир.



Музаффар АБДУЛЛАЕВ олган сурат.

IT-парклар айнан шу мақсадга хизмат қилади — соҳадаги компанияларга истиқболли лойиҳаларни ишга тушириш, фаолиятини илм-фан ва таълим билан интегра-

циялаш, дастурий маҳсулотлар бозорига чиқишга кўмаклашади, ғояларни ҳақиқий имкониятга айлантиришга замин яратади. “Замонавий ақл марказлари” аини кун-

да минглаб стартаплар ва дастурчиларни жамлаш арафасида.

Давоми 4-бетда

Мустақиллигимизнинг 29 йиллигига

МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТ ПОЙДЕВОРИ

Абдухалил МАВРУЛОВ, тарих фанлари доктори, профессор

Мустақиллик байрамини алоҳида шиор остида нишонлаш анъанага айланиб қолди. Шиорлар одатда бутун жамиятни, ижтимоий фикрни ўзида жамлагандагина фуқароларни ягона мақсад йўлида бирлаштириши ва янги зафарларга йўналтира олгандагина реал кучга айланиши мумкин. Шу маънода ҳар қандай шиор миллатнинг манфаатига мос келиши лозим.

Бу йил мустақиллигимизнинг йигирма тўққиз йиллик муқаддас байрами “Сен — қудрат манбаи, саодат маскани, жонажон Ўзбекистоним!” деган эзгу ғоя синдирилган шиор остида нишонланади. Ғоя, шубҳасиз, ўта жозибали, серқирра. У ҳар бир ўзбекистонликни руҳлантира олади. Аини пайтда мазкур шиор мамлакатимизнинг бугунги кундаги ҳолатига ҳам мос.

Мамлакатимиз ва халқимиз шу йилнинг бошида ўз олдига улкан мақсадлар қўйган эди. Бироқ Бухоро вилоятидаги қаттиқшамол, Сардобадаги сув тошқини, кейинчалик бутун дунёга тарқалган коронавирус инфекцияси март ойида юртимизга кириб келди-ю, барча режаларимиз ўзгариб кетди. Бугун тождор вирус Ўзбекистон халқини қийин синовдан ўтказмоқда. Таъкидлаш лозимки, бу қийинчиликлар олдида халқимиз довдираб қолмади. Аксинча, ана шундай оғир синовлар даврида жасорат, аҳиллик ва бирликнинг том маънодаги намунасини кўрсатди.

Бу бежиз эмас эди. Чунки халқимиз узок минг йилликлар даврида қанчадан-қанча қийинчиликлару оғир синовларни кўрмади, дейсиз! Айниқса, миллий мустақиллик, ўз озодлиги, ор-номуси йўлидаги курашлари бунга далилдир.

Давоми 2-бетда

Рақамли иқтисодиёт

“ШАФФОФ ҚУРИЛИШ” АХБОРОТ ТИЗИМИ:

ИМКОНИЯТ ВА КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР

Маълумотларга кўра, архитектура ва қурилиш жараёнининг тўлиқ рақамлаштирилиши мамлакатимизда қурилишга руҳсат беришни 254 кундан 84 кунга қисқартириш, ушбу жараёнлардаги тартиб-таомилларни 17 тадан 5 тага камайтириш, тадбиркорлар ва фуқароларнинг бу ишларга сарфланадиган вақтини 67 фоизгача қисқартириш имконини беради.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 8 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг Қурилиш соҳасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан ташкил этилган Қурилиш соҳасида АКТ-ни ривожлантириш маркази тегишли мутахассисликка эга малакали кадрлар билан тўлдирилди, моддий-техник базасини шакллантириш чоралари кўрилди.

Давоми 2-бетда



Ханим Йўлдошев олган сурат.

Кун мавзуси

ХОТИН-ҚИЗЛАР ТАДБИРКОРЛИГИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ — БУГУННИНГ ТАЛАБИ

Хотин-қизлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш жаҳон миқёсида давом этаётган муҳим жараёнлардан бири ҳисобланади. Жумладан, кластер усулидаги аёллар бизнесига алоҳида эътибор бераётган мамлакатларда кичик ва ўрта бизнеснинг ЯИМдаги улуши сезиларли даражада ортмоқда.

Мутахассислар фикрича, айнан хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш орқали жаҳон ялли ички маҳсулотини икки баробар ошириш мумкин. Boston Consulting Group компанияси экспертлари ҳам шундай хулосага келдилар.

Давоми 3-бетда



Ханим Йўлдошев олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 14 август кун туризм салоҳиятини кенгайтиришга доир лойиҳалар тақдимоти билан танишди

КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИ ТУФАЙЛИ ХАЛҚАРО ҚАТНОВЛАР ТЎХТАБ, ТРАНСПОРТЛАР ҲАРАКАТИ ЧЕКЛАНГАН БУТУН ДУНЁДА, ШУ ЖУМЛАДАН, ЎЗБЕКИСТОНДА ҲАМ ТУРИЗМ СОҲАСИГА ЗАРАР КЕЛТИРДИ.



Республика махсус комиссиясининг 12 августдаги қарорига мувофиқ, 15 августдан бошлаб автотранспорт воситалари ҳаракати, маҳаллий авиа ва темир йўл қатновига руҳсат берилди. Санаторийлар, пансионатлар, болалар оромгоҳлари, меҳмонхоналар, меҳмон уйлари, пляжлар, хостеллар ва бошқа дам олиш масканлари фаолияти тикланди. Булар юртимизда сайёҳлик яна ривожланишига шароит яратади.

Мамлакатимизда 1 минг 500 дан ортиқ туроператор, 1 минг 200 та меҳмонхонанинг фаолияти тўхтаб қолди. Бу вазият соҳага алоқадор савдо, ҳунармандчилик, транспорт, умумий овқатланиш ва бошқа хизмат кўрсатиш тармоқларида минглаб одамларнинг бандлиги ва даромадига салбий таъсир кўрсатди.

Маълумотларга кўра, ҳар йили юртдошларимиз чет элда дам олиш учун 1 миллиард 200 миллион доллар атрофида маблағ сарфламоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири Ўзбекистонда барча талабларга жавоб берадиган замонавий туристик мажмуалар сони кам.

Давлатимиз раҳбари тақдимот давомида Бўстонлик туманида яқин йилларда фойдаланишга топшириладиган лойиҳалар мажмуаси билан танишиб, уларни такомиллаштириш бўйича таклифларини берди.

Бўстонлик тумани, хусусан, Чорвоқ сув омбори атрофидаги қишлоқларда янги дам олиш масканлари қурилади. Бу билан шу ерда яшаётган аҳолини иш билан таъминлаш мақсади ҳам кўзланган.

“Билдирсой-Чимён-Нанай” халқаро курортини ташкил этиш лойиҳаси улардан бири. Унинг концепцияси ва иқтисодий модели Франция компаниялари консорциуми томонидан FASEP фондининг 750 минг евро миқдоридagi грант маблағлари ҳисобига ишлаб чиқилган.



Тақдимотда кейинги икки йилда сайёҳлик ўринлари ва хизмат турларини кўпайтириш натижасида ҳудуднинг туризм салоҳиятини 2 баробар орттиришни таъминлаш вазифаси қўйилди.

Лойиҳа 3 босқичдан иборат бўлиб, биринчи босқичда Чимён ҳудудига умуммавсумий курорт ташкил этиш кўзда тутилган. Франциянинг 48 миллион евро миқдоридagi имтиёзли кредити эвазига туристик инфраструктурани ривожлантириш, жумладан, осма йўлақлар, чанги учиб ускуналари ва аттракционлар келтириб ўрнатиш режалаштирилган. Бунинг натижасида тоғ-чанги туризми оммалашади, маҳаллий ва хорижий сайёҳлар учун замонавий шароитлар яратилади, тадбиркорлик ривожланади. Лойиҳанинг биринчи босқичини 2021 йил декабрь ойида ишга тушириш режалаштирилган.

Мустақиллигимизнинг 29 йиллигига

МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТ ПОЙДЕВОРИ



Бошланғич 1-бетда

Халқимизнинг бугунги кундаги куч-қудрати, шижоати, матонати, қаҳрамонлик манбаи, шубҳасиз, мустақиллик деган феномен ҳодиса билан боғлиқ. Бугун мустақиллигимизнинг муаззам байрамидан кўнрақ кўнрақ равишда нишонлаш арасида барчамиз Ватанимиз ва халқимизнинг узоқ ва яқин тарихига, унинг истиқлол каби муқаддас туйғу учун минг йиллар давомида олиб борган курашлари тарихига назар ташлашимиз аслида бугунги дорилмомон кунлар учун ўз жони ва қонидан кечган минглаб юртпарварлар руҳини шод қилиш билан баробардир.

Юртимиз ҳудудидан бундан 1,5 миллион йиллар аввал энг қадимий инсон фаолиятининг маданий изларини Жанубий Фарғона (Селунгур ғори)дан топишган ёдгорликлар яққол кўрсатиб турганини, бундан 4,5 минг йиллар олдин бу ерда сунъий суғориш ва шудғорлаб экишга асосланган деҳқончилик маданияти шаклланигани, 5 минг йиллар бундан кейинги асрларда металл эритиш технологиясини ўзлаштириганини, Бақтрия, Хоразм, Сўғдада узунлиги 15-20 километрга етadиган каналлар қазилганини билмасдан бу Ватанини севиш, ундан фахрланиш мумкинми?

Маданият, ўз Ватани олдида масъулиятини сезган ҳар бир юрдошимиз 2750-2500 йиллар аввал Бақтрия, Хоразм, Сўғда каби подшоликлар, 2100-1800 йиллар олдин қудратли Кушон салтанати, IX-XII асрларда қорахонийлар, хоразмшоҳлар сулолалари, XIV-XV асрларда буюк Амир Темур салтанати ва XX аср сўнгида мустақил Ўзбекистон давлати юзага келган бу заминдан ифтихор қилиши табиий.

Мамлакатимиз аллақачон қадимий цивилизациялар маскани эканига бутун маърифатли дунё ташна берган. Шарқ Уйғониш даври сифатида тарихга кирган буюк цивилизациянинг маркази ҳам бизнинг юртимиз бўлган. Бунга бугунги кунда мамлакатимиз архивлари, китоб фондларида сақланган ўрта аср шарқ алломалари ва мутафаккирларнинг 100 мингдан зиёд ноҳид кўлэмга асарлар ҳам шохид.

Шубҳасиз, ер ости ва ер усти бойликлари бисёр, меҳнаткаш, ўз ишининг устаси бўлган халқ устидан ҳукмронлик қилиш ҳар доим ҳам узоқ ва яқин мустамлакачиларнинг ораси бўлган. Шунинг учун юртимиз тинимсиз равишда ўзга давлатлар ва халқларнинг таъвозуларига дуч келган.

Уч минг йиллик миллий давлатчилик тарихимиз давомида халқимиз қандай йўтишларни қийинчиликларни кўрмади, дейсиз! Ана шу буюк тарихимиз давомида халқимиз 900 йилга яқин давр мобайнида мустамлакачилик азобларини бошидан ўтказди.

Эрон ахмонийлари, грек-македонлар, араблар, мўғуллар истилоларини, сўнги 130 йилга яқин даврдаги мустақил тузум ҳукмронлиги — буларнинг бари Ватанимиз тарихининг энг оғриқли саҳифалари, армонларда ўтказилган кунлар ҳисобланади. Ватан тарихи шундан далолат берадики, ота-боболаримиз неча минг йиллар давомида қанчалик оғир бўлмасин юрт тақдирини, миллат ор-номусини ҳар нарсадан баян қўйдилар.

Биз бугун Ўзбекистон тарихини мустақиллик учун курашлар тарихи, яратиш ва бунёд этиш тарихи, дейишга ҳақлимиз. Шу йўлда буюк маърифатпарвар Чўлпоннинг "Турон" газетасининг 1917 йил 22 апрелдаги сонидан ёзган қўйидаги юракларни ўрточи фикрига қўлоқ тутайлик: "Биз мактаб очдик, бекитдилар. Мадрасаларимизни ислоҳ қилишга йўл бермадиклар. Тилимизга "бало" аралашдирмоқчи бўлдилар. Музикани тараққий қилдиришга йўл бермадилар. "Падакурку" деган театр ўйнаганларни "охран"ларга судрадилар, ҳосили миллий ва маданий ўсишимизга оғир зарбалар туширдилар".

Таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда мустақиллик учун курашлар ҳеч қачон тўхтамаган. Келинг, яхшиси, фикримизнинг исботи учун яқин тарихимиздан айрим мисоллар келтирайлик. 1918 йилнинг 18 февралда биргина Қўқон шахрининг ўзидан Туркистон мухториятининг мустақил

сифатида отиб ташланди. Отилганларнинг бари ўзбек халқининг минг йиллар давомида оруз қилиб келган озодлик, ҳурлик каби феномен ҳодиса учун жон бердилар. Шу маънода мустақиллик учун жон фидо қилган том маънодаги ватандошларимизни, шубҳасиз, "миллат гуллари", дейишга тўла ҳақлимиз.

Бугун муқаддас байрамимизни нишонлар эканмиз, албатта, биз уларнинг мамлакат ва миллат олдидаги хизматлари олдида бош эгиб таъзим қилишимиз, уларнинг руҳи покларига дуолар йўллашимиз лозим, деб ўйлаймиз. "Миллат гуллари"нинг ўртача ёши 25 ёшдан 45 ёшгача бўлиб, улар энди кучга тўлган, Ватан тақдирини ўзларининг масъуллик ҳиссини тўлақонли равишда англаган ватандошларимиз, миллатпарварлар эди.

1991 йилнинг 31 августидан Ўзбекистоннинг миллий мустақиллиги эълон қилиниши, шубҳасиз, Ватан тарихида зарҳал ҳарфлар билан ёзилган саҳифа бўлди. Аммо совет мустақил тузуми бизга жуда оғир мерос қолдирди. Келинг, ўша таълиқли даврларни, ўтган асрнинг 80-йиллари охирига 90-йиллар бошларигада яқин тарихни эслаб кўрайлик. Ўша даврда одамларимизни иккита нарса қийнади эди. Биринчиси, қоринни тўйдирдишга гами бўлса, иккинчиси, Ўзбекистонда барқарор тинчлик, одамлар ҳафсизлигини таъминлашдан иборат эди. Чунки мазкур даврда миллатлараро муносабатлар тобора кескинлашса борди, аҳолининг иқтисодий аҳоли ўта оғирлашди, халқнинг ҳақли норозилиги кучая бошлади.

Бунинг устига, иқтисодий муаммолар қалашиб ётарди. Барчани эртанги кун ташвиши эзарди. Одамларда тушқун кайфият кучайиб борарди. Касалликлар, болалар ўлими, инсон кадр-қимматининг тобора пасайиб бориши авж олди. Болаларда мактабда ўқишга қизиқиш камайди. Ана шундай шaroитда миллий мустақилликнинг қўлга киритилиши аслида халқимизнинг минг йиллар давомидаги оруз-умидларининг реал ҳолатдаги рўёби эди.

Энди Ўзбекистон олдида бошқаруving маъмурий-буйруқбозлик тизимидан воз кечиш, одамларда демократик қадриятлар тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш, мамлакатимизга мос, унинг миллий, ҳудудий, демографик хусусиятларига тўғри келадиган йўлни танлашдан иборат буюк вазифани турарди. Биз ҳеч иккиланмасдан ўз олдимизга энг тараққий этган демократик давлатлар баҳорида кўтарилиш, фаровон ва бадавлат ҳаёт кечириш, халқро майдонда муносиб ўрин эгаллашдан иборат вазифани кўйдик.

Қисқа вақт ичида Ўзбекистон халқро ҳамжамиятининг тўлақонли субъектга айланди. Мамлакатда демократик жамиятни барпо этишнинг ҳуқуқий асослари яратила бошланди. Иқтисодий, сиёсат, иқтисодий соҳаларда, маънавий-маърифий жаҳада ислохотларга киришилди.

Мамлакатимизда мустақилликни янада мустаҳкамлаш йўлида дадил қадам 2016 йилдан бошланди, десак муболага қилган бўламиз. Бошқача айтганда, биз бугун барчамиз энгн шимариб, янги Ўзбекистонни барпо этишга киришдик, унинг мустаҳкам пойдеворини ярата бошладик, иқтисодий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий соҳаларда бир неча ўн йиллар давомида амалга оширилиши зарур бўлган ишлар бажарилди. Ўзбекистон том маънода миллий тикланишдан миллий юксалиш сари юз тутди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев мустақилликни мустаҳкамлаш, янги Ўзбекистонни фақат ва фақат ўз кучимиз билан, меҳнаткаш, заҳматкаш, фидойи халқимиз билан бирга кура олишимиз, бунинг учун нимаки зарур бўлса, барчаси мавжудлигини бот-бот таъкидламоқда. Айни пайтда мамлакатимиз раҳбари Олий Мажлисга Мурожаатномасида олдимизда турган улкан вазифалар, уларни ҳал этиш йўлини ҳусусида жуда қуюнчақлик билан гапирганини ҳам доимо эсда туттиш лозим. Хусусан, Президентимизнинг: "Халқимиз шуни яхши билиши керак: олдимизда узоқ ва машаққатли йўл турибди. Барчамиз жипслашиб, тинимсиз ўқиб-ўрганасак, ишимизни мукаммал ва унумли бажарасак, замонавий билимларни эгаллаб, ўзимизни аямасдан олдинга интилсак, албатта, ҳаётимиз ва жамиятимиз ўзгаради", дея таъкидлади.

Дарҳақиқат, шундай. Мустақиллик йўли текис, равон эмас. Унга эришиш жуда қийин. Мустақилликни мустаҳкамлаш эса ундан ҳам мураккаб. Биз ҳозир ана шу мураккаб, айни пайтда ўта масъулиятли вазифани бажармоқдамиз. Энг муҳими, бугун барча ватандошларимиз буюк ва муқаддас туйғу бўлган мустақиллик неъматларидан баҳраманд бўлмоқда. Бу йўлда барчамиз елкама-елка бўлиб, янада жипслаша олсаккина мазкур феномен ҳодиса учун жон фидо қилган миллатпарварларимиз, истиклолчиларимиз руҳи шод бўлади, бугунги авлод биздан рози бўлади, келажак учун, миллий тараққийимиз учун эса мустаҳкам пойдевор қурган бўламиз.

Рақамли иқтисодиёт

Бошланғич 1-бетда

Уларнинг олдида қурилиш соҳасини тўлиқ рақамлаштириш, "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизimini яратиш вазифаси қўйилди. Президентимизнинг Ўзбекистон қурувчиларига йўланган табрикида "Шаффоф қурилиш" ахборот тизими алоҳида эътироф этилиб, бунёдкорлик ишларида дунёнинг ривожланган давлатлари стандартларига мос бўлган янги инновацион технология ва ечимларни қўллашга алоҳида аҳамият қаратилаётгани таъкидлаб ўтилди.



Халқимизнинг руҳини шод қилиш билан баробардир.

“ШАФФОФ ҚУРИЛИШ” АХБОРОТ ТИЗИМИ:

ИМКОНИЯТ ВА КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР

Ушбу ахборот тизими соҳада коррупциянинг қозғолигининг олдини олиш, иш вақтини тежашга хизмат қилади, дея юқори баҳо берилди.

Дарҳақиқат, ўтган уч йил давомида соҳани тартибга солувчи жами 33 та қонун, фармон ва қарор қабул қилинди. Биргина жорий йилнинг ўтган даврида 6 та қонун ҳужжати ҳаётга татбиқ этилди. Қолаверса, Тошкент архитектура-қурилиш ва Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтида 22 та бакалаврият таълим йўналиши ва 23 та магистратура мутахассисликлари бўйича малакали кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилган. Қурилиш-пудрат ташкилотларининг фаолиятини тақомиллаштириш ва қурилиш сифатини оширишга қаратилган ишлар ҳам жадал давом эттирилмоқда. Жумладан, қурилиш пудрат ташкилотларининг фаолиятини баҳолаш рейтинг жорий этилди. Қурилиш соҳаси билан боғлиқ барча асосий маълумотларнинг ягона электрон базаси шакллантирилаётгани ҳам сифат даражаси яхшиланганига хизмат қилиши, шубҳасиз. Галдаги вазифа — назоратчи ҳозирда қўлда эмас, балки IT-технологиялар жорий қилган ҳолда амалга ошириш зарур.

— Жорий йил 1 августидан Тошкент шаҳрида, кейинги йил бошидан бошқа ҳудудларда қурилишда аниқланган барча камчиликлар фотосуратлари билан тизимга онлайн киритилиб, назорат жараёнлари автоматлаштирила бошланди, — дейди Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида АКТИ ривожлантириш маркази раҳбари Санжар Абдуғаниев. — Қолаверса, қурувчи ташкилот ёки фуқароларга жараён тартиблари ва шартлари ҳақида тўлиқ маълумотларни инсталган вақтда оғир имкониятини берувчи онлайн тизим ишга туширилмоқда. Бунда барча шахароолик қўлда ва нормаларини интерактив қўришнишга келтириш, лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш бўйича барча жараёнлари рақамлаштириш ҳамда экспертиза хулосаларини ягона базада сақлашни йўлга қўйиш асосий мақсад қилинган.

“ЛОЙИҲА-СМЕТА ҲУҲЖАТЛАРИ ЭКСПЕРТИЗАСИ”

Қурилиш ишлари, аввало, лойиҳа-смета билан бошланади. Сантиметр-миллиметрча анди ҳисоб-китоб қилинган лойиҳа-смета экспертлар томонидан қўриб чиқиши ва маълумлаштириш керак. Авваллари қозғога чиқарилган юзлаб режалар тўпلام ҳолида масъуларга тақдим этилар, хато-камчиликлар чиқиб қолса, тўпламлар тўзатишлар билан яна қайтадан олиб борилар эди. Базини "уддабурон" тадбиркорлар навбат қилиш, мутахассис билдирган эътирозларни тўғрилаш каби овозгарчиликлардан қочиб учун бошқа йўллари қидира бошлар эди. "Шаффоф қурилиш" лойиҳасига кирувчи "Лойиҳа-смета ҳужжатлари экспертизаси" орқали шу каби ортиқча ҳаракатларга чек қўйилди. Лойиҳа ҳужжатлари ҳамда экспертиза хулосаларини ягона базада сақлашни таъминлайдиган ушбу ахборот тизими экспертизадан ўтказиш бўйича бюрократчи томонидан мурожаатларни электрон тарзда қўриш ва натижаларни электрон шаклда қабул қилиш мақсадида яратилган.

Асосийси, лойиҳа-смета ҳужжатларининг электрон шакли шу тизимга қўйиб борилади ва ягона базада сақланади. Экспертлар томонидан аниқланган камчилик ёки хатолар қурувчи томонидан бартараф этилса, тўзатишлар тўғрисидаги маълумотлар ҳам айнан шу тизимга киритилади. Натижада экспертиза жараёнлари бўйича назорат ва ҳисоботлар автоматик равишда шакллантирилиб борилаверади. Мухими, қозғолигини йўқотилади, вақт тежаллади, коррупция ҳолатларининг олди олиниб,



жараёнда шаффофлик таъминланади ҳамда ишларни тизимли назорат қилиб бориш имконияти пайдо бўлади.

СИФАТ ҚАНДАЙ НАЗОРАТ ҚИЛИНАДИ?

"Шаффоф қурилиш" доирасидаги "Қурилиш ишлари сифати назорати" ахборот тизimini улкан лойиҳанинг мотори, десак бўлади. Сабаби, бино ҳар жиҳатдан талабга жавоб бермаса, қурилишда қилинган ҳар қандай меҳнат нолга тенг бўлиб қолаверади. Ҳўш, автоматлашган сифат назорати қай тартибда ишлайди ва қандай натижалар беради?

— Назорат инспекторлари томонидан объектларда аниқланган барча камчиликлар, юқорида таъкидланганидек фотосуратлари билан биргаликда тизимга онлайн равишда киритилади, — дейди Санжар Абдуғаниев. — Бу орқали жараёнлар тўлиқ автоматлаштирилиб, маълумотлар ягона базада сақланади. Тизимнинг асосий вазифаларига объектлар бўйича маълумотлар базасини шакллантириш, текширувлар, камчиликлар ва бажарилган ишлар ҳақида хабарларни жамлаш, инспекторларга мобил қурилмалар ёрдамида объект ҳақидаги ахборот билан танишиш ва аниқланган хатоларини онлайн тизимга жойлаш имконини бериш кабилар қиради. Қолаверса, қурилатган иншоотлар ҳолати бўйича қилинган ҳисоботларни автоматик равишда бирлаштириш ва жойлардан инспекторлар томонидан киритилаётган маълумотларни геолокацияларга боғлаш ҳам шу тизим орқали амалга оширилади. Натижада объект ва текширувчилар кесимида реал вақт режимида назорат жараёнлари ҳолатини кузатиш имконияти туғилади. Коррупция ҳолатларининг олди олиниб, қозғолигини максимал даражада камайтиради. Шу билан бирга, жараёнда қўй йўлга қўйилаётган камчиликларни таҳлил қилиш ва уларни бартараф қилиш бўйича қарарлар қўриш имкони ҳам пайдо бўлади.

ИНВЕСТИЦИЯ ДАСТУРИДАГИ ОБЪЕКТЛАР МОНИТОРИНГИ

Ҳар қандай давлатга инвестор жалб қилишга улара яратилаётган шaroит ва имкониятлар катта роль ўйнайди. Ўзбекистонга катта сармоя тикиб, тадбиркорликни йўлга қўймоқчи бўлган хориқлик ишбилармон, биринчи гаьда, ер, солиқ, бож масалаларига эътибор қаратади. Улар объект қуриш жараёнида инсон омили қай даражада иштирок этишига аҳамият беришади. Қурилиш соҳасига тааллуқли маълумотларнинг бир базада шаклланиши, ер олиш ёки сотишнинг автоматлаштирилгани инвесторлар ишончини орттиради.

Инвестиция дастурига кирган бинолар бўйича тегишли барча ҳужжатларни ягона тизимга жамлаш, ишларни мониторинг қилиш "Инвестиция дастуридаги объектлар қурилиш мониторинги" ахборот тизими орқали амалга оширилади. Бунда ягона иншоотлар реестри шакллантирилади. Тизим фойдаланувчиларининг шахсий кабинетлари очилиб, улар томонидан қурилиш босқичлари белгиланади ва тегишли ҳужжатлар киритиб борилади. Қолаверса, объектлар

харитасини тузиш, инвестиция бўйича таҳлилий ҳисоботларни автоматик равишда шакллантириш, соҳага оид платформалар билан интеграция қилган ҳолда объектларга тегишли маълумотларни консолидациялаш ушбу тизимнинг асосий вазифалари саналади.

“ҚУРИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИ КАЛЬКУЛЯТОРИ” ИНТЕРАКТИВ ХИЗМАТИ

Бирор ҳудудда қурилиш бошламоқчи бўлган қурувчи ёки оддий фуқаро, аввало, бу жойнинг ўз бизнесига мос ёки мос эмаслиги тўғрисида ўйлайди. Кейин қурилишга кетадиган сарф-харажатлар ҳисоб-китобини қилади, маблағи ва имкониятларини чамалайди. "Қурилиш жараёнлари калькулятори" интерактив хизмати орқали пудратчи ёки фуқаролар жараён тартиби, шартлари ва босқичлари ҳақида тўлиқ маълумот олиши мумкин.

— Унда объект бўйича маълумотларни киритиш, қурилиш босқичлари ҳамда белгиланган регламент ва норматив ҳужжатлар бўйича маълумот чиқариш имконияти мавжуд, — дейди Санжар Абдуғаниев. — Унда тегишли жараёнлар бўйича масълул ташкилотлар ҳақида маълумот ва йўл харитаси ҳам жамланади. Интерактив хизмат тадбиркорларга қурилишда қандай жараёнлардан ўтиш ҳақида хабардор бўлиш ва қурилиш ишларини режалаштиришда қўл келади. Қурилиш соҳасига энди кириб келган ёш тадбиркорлар учун эса бу айни мудоао.

“ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ ТЕНДЕР ПЛАТФОРМАСИ”

Қурилиш бошлаш учун ер олиш масаласи соҳанинг энг муаммолли ва баҳталар йўналишларидан биридир. Базини ҳоқимликлар вакиллари ёки мутасаддиларнинг ер бериш вазифага қўра талаб қилинган ҳақидаги хабарларга кўра тизимга жойлаш имконини бериш кабилар қиради. Қолаверса, қурилатган иншоотлар ҳолати бўйича қилинган ҳисоботларни автоматик равишда бирлаштириш ва жойлардан инспекторлар томонидан киритилаётган маълумотларни геолокацияларга боғлаш ҳам шу тизим орқали амалга оширилади. Натижада объект ва текширувчилар кесимида реал вақт режимида назорат жараёнлари ҳолатини кузатиш имконияти туғилади. Коррупция ҳолатларининг олди олиниб, қозғолигини максимал даражада камайтиради. Шу билан бирга, жараёнда қўй йўлга қўйилаётган камчиликларни таҳлил қилиш ва уларни бартараф қилиш бўйича қарарлар қўриш имкони ҳам пайдо бўлади.

— "Қурилиш ишлари тендер платформаси" автоматик шаклда оферталарни баҳолаш тизими бўлиб, унда тендер жараёни онлайн тарзда амалга оширилади ва барча қадамлар электрон имзо билан тасдиқлаб борилади, — дейди Санжар Абдуғаниев. — Натижада инсон омили минимал даражада камайди, статистик ва таҳлилий материаллар жонли тарзда шаклланиб, соғлом рақобат муҳити юзага келади. Бир сўз билан айтганда, қурилиш соҳасида давлат харидлари ҳақидаги реал маълумотларни олиш имконияти яратилиб, барча босқичларда очиқлик ва шаффофлик таъминланади.

Соҳани рақамлаштириш, аввало, назорат инспекторларига қулайлик яратди. Натижада назорат яхшиланади. Ишнинг сифати ошиб, унга бўлган вақт сарфи ҳам анчагина камайди. "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот базаси тўлиқ ишга тушган, вазирилик мутасаддиларнинг инспекторлар фаолиятини тўлиқ назорат қилишлари аришилади. Натижада коррупция ўчоқлари йўқ қилиниб, жараён шаффофлашади. Бундан, ўз навбатида, тадбиркор пудратчилар фаолияти осонлашади, халқимизга сифати юқори, нархи ҳамёнбон уйлар тақдим этилишига ишонч уйғотади.

Соҳиба МУЛЛАЕВА, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

Кун мавзуси

Бошланиши 1-бетда

ХОТИН-ҚИЗЛАР ТАДБИРКОРЛИГИНИ КЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ — БУГУННИНГ ТАЛАБИ



Улар ўтказган тадқиқот маълумотларига кўра, агар аёл тадбиркорлар сони эркак бизнесменлар сонига тенг бўлганида жаҳон иқтисодиёти ҳажми ҳозиргидан 2,5-5 триллион долларга ошган бўларди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда аёлларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш ва гендер тенглигини таъминлаш учун қонунчилик негизини мустаҳкамлаш, шунингдек, институционал базани шакллантириш борасида муҳим қадамлар кўйилди.

Бугунги кунда аёллар юртимиздаги меҳнатга лаёқатли ва иқтисодий жиҳатдан фаол аҳолининг катта қисмини ташкил этиши инобатга олиниб, хотин-қизлар тадбиркорлиги иқтисодий тараққиёт учун энг муҳим ресурслардан бири сифатида кўриб чиқилмоқда.

Иқтисодиётда хотин-қизлар тадбиркорлиги улушини ошириш мақсадида аёлларга оилавий ва хусусий тадбиркорликни ташкил этиш учун имтиёзли кредитлар берилмоқда, моддий ва ташкилий жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда.

Айтиш керакки, бугунги кунда мамлакатимизда аёлларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликдаги улушини аниқлаш қийин. Чунки аёллар бизнесининг ривожланишига оид аниқ маълумотлар йўқ. Хусусан, бугунги кунда содир бўлаётган ҳудудий ва глобал интеграцион жараёнлар, миллий эҳтиёжлар ва устувор мақсадларни ҳисобга олган ҳолда аёл тадбиркорларнинг турли тараққиёт йўналишларига қўшган ҳиссасига баҳо бериш, аёллар тадбиркорлигини янада ривожлантириш керак бўлган соҳаларни аниқлаш мушкул бўлмоқда.

Тадбиркорлик соҳасида гендер статистикаси мавжуд эмаслиги сабабли хотин-қизлар тадбиркорлигининг салоҳиятига баҳо бериш ва уни бошқа

мамлакатларда ривожлантириш трендлари билан таққослашнинг илҳами бўлмапти. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон кўп йиллардан бери Аёллар тадбиркорлиги глобал индексида ҳам иштираётмапти.

Бу борада ўз ечимини қутаётган долзарб вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш, хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантиришга комплекс ёндашуви, аёллар томонидан бошқариладиган корхоналарни қўллаб-қувватлаш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, уларга ахборот, бозор, таълим ва молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятини бериш ва аёллар орасида бизнес фаолиятини фаол омаллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Гендер тенглигини таъминлаш масалалари бўйича комиссия хузурида Хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи Кенгаш тўзилди.

Бу кенгаш доимий фаолият юртувчи маспахат органи бўлиб, давлат ва хусусий сектор ўртасида ҳамкорлик механизmlарини кучайтириш, шунингдек, тараққиёт бўйича ҳамкорлар ва фуқаролик жамияти билан хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича очик мулоқотни таъминлаш учун экспертлик, ахборот ва маспахат таъминоти учун ташкил этилди. Кенгашнинг асосий мақсадлари давлат дастурларига гендер ёндашувларни жорий этиш йўли билан гендер тенгликни қўллаб-қувватлаш ва қонун ижодкорлиги фаолиятининг барча босқичларида гендер тахлилини амалга ошириш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш соҳасида давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича тақлифлар киритишдан иборат. Қолаверса, ишбилармон аёлларни қўллаб-қувватлаш борасида очик мулоқот, илгор тажриба, сиёсат ва дастурлар алмашинувига қўмақлаштириш, аёл тадбиркорларнинг мавжуд муам-

моларини, хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантиришдаги маъмурий тўсиқларни бартараф этишга қаратилган тақлифларни ўрганиш, тахлил қилиш, умумлаштириш ҳам унинг фаолияти йўналишларидан бири ҳисобланади.

Кенгаш аёлларнинг мамлакатимиз иқтисодий тараққиёти ва рақобатбардош махсулотлар ишлаб чиқаришдаги ҳиссасини ошириш, аёл тадбиркорларнинг аниқ эҳтиёжларини, шу жумладан, капитал ресурслардан, бозорлардан фойдаланиш, устузлик қилиш, ўқитиш, умумлаштириш ҳам унинг фаолияти йўналишларидан бири ҳисобланади.

Янги тузилмада иштираётган минтақавий ва халқаро ташкилотлар, хотин-қизлар ташкилотлари вакиллари, тадқиқот институтлари ва бошқа манфаатдор томонлар тақлиф этилади. Кенгаш аъзолари хотин-қизлар тадбиркорлиги муаммолари ва аёллар иқтисодий имкониятларини кенгайтириш бўйича очик мулоқотни кучайтиришга қўмақлашадилар. Шуниси эътиборликки, кенгаш мажлислари видеоқонференция шаклида бир чоракда камида бир марта, кенгашнинг барча аъзоларидан камида 70 фоизи иштирокида ўтказилади. Жорий йилда кенгаш "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш доирасида "аёллар тадбиркорлиги" тушунчасини қонунчиликда мустаҳкамлаш имкониятларини аниқлаш, ЕТТБнинг Ўзбекистонда гендер ёндашувларини ҳисобга олган ҳолда инвестицион муҳитни тахлил қилиш бўйича базавий тадқиқотни ўтказиш тўғрисидаги тақлифини кўриб чиқиш ва Хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича миллий дастурни ишлаб чиқишни режалаштириш. Шунингдек, Давлат статистика қўмитаси билан ҳамкорликда тадбиркорлик соҳасида гендер нуқтани назардан табақалаштирилган маълумотларни йиғиш ва тахлил қилиш, уларни кейинчалик www.gender.stat.uz сайтида эълон қилиш имкониятларини кўриб чиқиш, Марказий банк билан ҳамкорликда Молиявий мақбуллини таъминлаш ва молиявий савдоҳонликни ривожлантириш бўйича миллий стратегия ишлаб чиқишда гендер тенглигини илгари суриш масаласини муҳокама қилиш ҳам режалаштирилмоқда.

Носирбек АБДУЛЛАХОНОВ, Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси уринбосари



Тараққиёт мезонлари

Шаргун кўмири қонида хитойлик ҳамкорлар билан биргаликда 2017-2020 йилларга мўлжалланган 105,5 миллион долларлик лойиҳа амалга оширилмоқда. Унинг 15,7 миллион доллари "Шаргункўмир" АЖнинг, 89,8 миллион доллари эса Хитой Эксимбанкнинг кредит маблағидир. Лойиҳа тўлиқ ишга тушган, 2021 йилдан бошлаб йилига 900 минг тонна тошкўмир казиб олинади, 600 та иш ўрни яратилади. Янги Ангрен ва Ангрен иссиқлик электр станцияларига, цемент заводлари, аҳоли ва бошқа истеъмолчиларга тошкўмир етказиб бериш кўпаяди.

ШАРҒУНДАГИ САМАРАДОР ЛОЙИҲАЛАР

ЙИЛИГА 900000 ТОННА КЎМИР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА 600 ТА ЯНГИ ИШ ЎРНИ ЯРАТИШ ИМКОНИНИ БЕРАДИ

Феруза ХУДОЙҚУЛОВА, журналист

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 31 апрель куни Сурхондарё вилоятидаги "Шаргункўмир" акциядорлик жамиятига ташириш чоғида мазкур лойиҳани қисқа муддатда ва сифатли амалга ошириш, қончиликни янада ривожлантириш, соҳа учун мутахассислар тайёрлаш бўйича му- тасаддиларга топшириқлар берилганди.

Утган вақт мобайнида ушбу вазифалар ижроси доирасида жамият томонидан кенг қўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Энг аҳамиятлиси, бу ерда кўмирдан ташқари оҳақтош, қумуш ва фосфорит, шунингдек, унга яқин ноёб қазилма бойликларнинг катта захираси мавжуд бўлиб, ҳозирги кунда улардан унумли фойдаланилмоқда. Шунинг учун ҳам 2020 йилда мазкур маъданларни қайта ишлашга мўлжалланган цехлар реконструкция қилинди, янгилири қад ростлади.

Бугунги кунда коронавирус пандемияси шароитида ҳам корхона фаолияти бир зум бўлса ҳам тўхтагани йўқ. Барча ишчи-ҳодимлар карантин қоидаларига риоя этган ҳолда ўз фаолиятини давом эттирмоқда.

Таъкидлаш жоизки, айни кунда 6 та цех ва участкага қарашли кўмир шахталарида 576 нафар ишчи-ҳодим меҳнат қилляпти.

— Олтига кўмир қони участкаларининг 4 таси "Шаргункўмир" акциядорлик жамиятига, қолгани "Миробод қўйитан" ва "Бойсуқкўмир" масъулияти чекланган жамиятларига қарашли бўлиб, уларда ҳам йирик лойиҳалар амалга оширилляпти, — дейди бош технолог Баҳодир Хурсанов. — Хусусан, "Миробод қўйитан" МЧЖ участкасида геология қидирув ишлари олиб борилиб, у ердан экспорт қилишга мўлжалланган кокс кўмири ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди. У юқори иссиқлик қувватига эга бўлиб, темир ва мис махсулотларини эритиш имконини беради.

Жорий йилда бу ишлар самарали йўлга қўйилиши эвазига 500 тонна кокс кўмирини экспорт қилиш бўйича шартномалар ҳам имзоланди. Шунингдек, "Бойсуқкўмир" масъулияти чекланган жамиятининг йилига 50 минг тоннагача тошкўмир казиб чиқариш лойиҳаси 2020 йил якунига қадар фойдаланишга топширилди.

"Бойсуқкўмир" да ҳорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига йилига 450 минг тоннагача тошкўмир казиб чиқариш имконини яратадиган яна бир йирик лойиҳани амалга ошириш ҳам кўзда тутилган.

Айни пайтда кўмир казиб олиш ишларида DOOSAN 300, 400 ва 420 русумли экскаваторлар, LIPHER 752, TY-160, XCMG-160 ва 320 русумли бульдозерлар ҳамда CHACMAN каби замонавий техникалар жалб этилиб, улардан унумли фойдаланилмоқда. Ушбу техника ва технологияларнинг ишлаш тизими хитойлик мутахассислар томонидан ёш мутахассисларга ўратилмоқда.

Корхонада оҳақ, гипс, гарбит цехлари билан бирга пишиқ гишт ва совун ишлаб чиқариш заводлари қайтадан модернизация қилинди. Шахта бошлиғи Тўшпулат Қодировнинг инновацияни ривожлантиришга қўлағи бўлиб, улардан унумли фойдаланилмоқда. Ушбу техника ва технологияларнинг ишлаш тизими хитойлик мутахассислар томонидан ёш мутахассисларга ўратилмоқда.

Корхонада оҳақ, гипс, гарбит цехлари билан бирга пишиқ гишт ва совун ишлаб чиқариш заводлари қайтадан модернизация қилинди. Шахта бошлиғи Тўшпулат Қодировнинг инновацияни ривожлантиришга қўлағи бўлиб, улардан унумли фойдаланилмоқда. Ушбу техника ва технологияларнинг ишлаш тизими хитойлик мутахассислар томонидан ёш мутахассисларга ўратилмоқда.

Корхона фаолияти билан яқиндан танишар эканмиз, янгидан барпо этилган бир-биридан кўрак биналар диққатимизни тортди. Уларда ошхонадан тортиб қовиниш хоналаригача бор. Катта стадион эса ишчи-ҳодимларнинг бўш вақтларида спорт билан шуғулланишлари учун хизмат қилади.

Долзарб мавзу

ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОЙ МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШГА ЁРДАМ БЕРАДИ

Улугбек ВАФОВЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты

Узаро манфаатли ҳамкорлик асосида давлат-хусусий шерикликнинг замонавий механизмларини жорий этиш Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясидаги муҳим устуворликлардан бири сифатида белгиланган. 2019 йилнинг май ойида "Давлат-хусусий шериклик тўғрисида"ги қонун қабул қилиниши эса бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқишда пойдевор бўлди.

Бугунги кунга қадар мазкур қонуннинг асосий мазмунларини амалга ошириш жорий этиш бўйича муайян ишлар бажарилди. Молия вазирлиги хузурида Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги ташкил этилди. Давлат ва хусусий шерикликнинг муайян йўналишларини ривожлантириш бўйича ўндан ортиқ қарор ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Ҳозир мактабга таълим, маданият ва санъат соҳаларида давлат-хусусий шериклик асосида қатор мақсадли лойиҳа ҳамда дастурлар амалга оширилмоқда.

2020 йилда давлат-хусусий шериклигини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг 5 август куни Президентимиз ўтказган видеоселектор йиғилишида давлат-хусусий шериклик масаласининг ҳам кўриб чиқиши ушбу вазифалар ижроси самарадорлигини оши-

ришда муҳим туртки бўлди. Йиғилишда давлатимиз раҳбари томонидан давлат-хусусий шериклик асосида замонавий гемодиализ марказлари, онкологик беморлар учун радиотерапия марказларини ташкил этиш, Қамчиқ доғида янги туннель қуриш, мамлакатимиздаги қатор аэропортларни "пакет принципи"да шерикликка бериш бўйича техник топшириқлар ишлаб чиқиш ҳамда бошқа бир қатор лойиҳаларни амалга оширишга доир муҳим топшириқлар берилди.

Таъкидлаш жоизки, йиғилишда Президентимиз томонидан бугунги кунда ўта долзарб бўлиб турган электр энергияси ва табиий газни истеъмолчиларга сотишда давлат-хусусий шериклигини жорий этиш вазифаси ҳам қўйилди.

Дарҳақиқат, ушбу соҳада ишлаб чиқарувчилар ва сотувчилар ўртасида рақобатни таъминлаш орқали хизмат сифатини ошириш ҳамда махсулот таннархи ва йўқотишларни камайтириш мумкин. Шунингдек, коммунал хўжалик соҳасидаги лойиҳалар синчиклаб кўриб чиқилиб, тармоқда олиб борилаётган ислохотлар даярили кўриниб келаяпти, бу борада суъташқилликка йўл қўйилмаётгани ўринли таъкид қилинди.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, аҳолини электр энергия ва табиий газ, тоза ичимлик суви, марказлашган иситиш ва иссиқ сув таъминоти, машиини чиқиндиларни олиб кетиш ва утиллаништириш заруриятини кўрсатмоқда. Масалан, қонунда давлат-хусусий шериклигини ривожлантиришда Вазирлар Маҳкамаси ва Молия вазирлиги хузуридаги Давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш агентлигининг ваколатлари аниқ белгиланган. Бошқа давлат органларининг ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари фақат уларнинг давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги тегишли битимлардаги иштирокига доир қисмларда белгилаб берилган.

Ушбу қонуннинг ҳеч бир нормасида вазирликлар, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳамда жойлардаги турли давлат органларининг мутлақ ваколатига тааллуқли соҳаларда давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш ташаббускори сифатида ваколатлари ва мажбуриятлари кўрсатилмаган.

Шу боис, видеоселектор йиғилишида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, "Давлат-хусусий шериклик тўғрисида"ги қонун ва ушбу йўналишдаги қонун ҳужжатларини инвентаризациядан ўтказиш ва унинг натижалари асосида қонунчиликни тақомиллаштириш бўйича тақлифлар тайёрлаш мақсадида мувофиқдир.

Бундан ташқари, давлат-хусусий шериклигининг замонавий механизмлари янги соҳаларга ҳам жорий қилиш лозим. Мисол учун, "Мурувват", "Саховат" ва "Меҳрибонлик" уйларида истиқомат қиладиган ёлғиз қариялар, ота-она парваршишисиз қолган болалар, парваршишга муҳтож бўлган ногиронлар учун қўлай шaroитлар яратиш мақсадида бу соҳада давлат-хусусий шериклик ва ижтимоий тадбиркорликни ривожлантиришнинг вазият тақозо қилмоқда.

Айни пайтда аҳолининг эҳтиёжманд гуруҳларига ижтимоий қўмак бериш мақсадида ривожланган мамлакатларнинг давлат-хусусий шериклик ва ижтимоий тадбиркорлик механизmlаридан фойдаланишга доир тажрибаси ўрганилмоқда. Уйлаймишким, ўрганишлар яқини бўйича тегишли қонунчилик тақлифлари ишлаб чиқилади.



Ҳажини йўлдошлар олган сурат.



Халқаро стандартлар

ДУНЁ ЭНЕРГЕТИКАСИНИНГ ЭНГ МАҚБУЛ МЕЗОНИ

"Ўзбекгидроэнерго" акциядорлик жамияти таркибидаги корхоналар мамлакатимизда биринчи бўлиб ISO 50001 энергетика менежмент тизимлари халқаро стандартини жорий этишга муваффақ бўлди

Абдурауф НУРУЛЛАЕВ

Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, тежамкор технологиялар ва қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий этиш давлат сиёсатининг ҳозирги босқичдаги долзарб йўналишларидан бирига айланган. Бу борада ISO 50001 энергетика менежмент тизимлари халқаро стандартини татбиқ этишга қаратилган тадбирларга алоҳида ургу берилляпти. Чунки бу менежмент бизнес юртидаги фойдаланилиши билан бирга самарали фаолият кўрсатишининг мажбурий талабига айланиб бораляпти.

Мутахассислар фикрича, бу мақсадга эришишнинг энг яхши йўли ISO 50001 талабларининг оғишмай бажарилишидир. Зеро, мазкур халқаро тизим энергия самарадорлиги ва тежамкорлигини таъминлашга қаратилган дунёдаги энг мақбул услубни ўзида мужассам этган. Ушбу талаб 60 дан ортиқ мамлакатнинг энергетика менежмент экспертилари томонидан ишлаб чиқилган ва бу билминларнинг қундалик фаолиятга татбиқ этилиши энергия самарадорлиги ва экологик таъминотлар мувофиқлигини таъминлаган ҳолда харажатларни қисқартиради.

Президентнинг 2019 йил 22 августдаги "Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тежор чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, "Ўзбекгидроэнерго" акция-

дорлик жамияти таркибидаги менежмент корхоналарда ҳам ISO 50001 энергетика менежмент тизимлари халқаро стандартини жорий этиш бўйича изчил ишлар амалга оширилди.

Жамият мутасаддиларининг маълумотига қараганда, бунинг учун тизимда пухта тайёрлик кўрилиб, сажиз босқичли чора-тадбирлар амалга оширилди. Бу ишлар сертификатлаштириш бўйича масъул ҳисобланган "Management Certification" халқаро ташкилоти ҳамда "Узстандарт" агентлиги мутахассислари билан ҳамкорликда олиб борилган ўз самарасини берди.

Энг аввало, жамият идораларида ISO 50001 халқаро стандартини жорий қилишнинг дастлабки босқичида зарур бўлган энергетика менежменти соҳасидаги сиёсат ва бошқарув, процессуал ҳужжатлар, ишчи йўриқномалар ишлаб чиқилди. Мазкур энергетик ҳужжатлар экспертизадан сўнг тасдиқланиб, жорий этишга киритилди. Бундан ташқари, 2020 йил март-апрель ойлари мобайнида 13 та электр таъминоти қисми корхонасида аудит ўтказилиб, аниқланган камчиликлар мазкур жараён яқинда қадар бартараф қилинди, зарурий тузатишлар киритилди. Пировадидда Ташкент, Самарқанд, Шаҳрихон, Ўртачирчиқ, Қуйи Бўзсув, Чирчиқ ГЭСлар каскади унитар корхоналари ва бир қатор ГЭСларга O zDSI ISO 50001:2019 "Энергетика менежменти тизими. Қўллаш бўйича талаб ва йўриқномалар" миллий мувофиқлик стандартлари ҳамда шу борадаги халқаро сертификатлар тақдим этилди.

Бу, ўз навбатида, энергия истеъмолчи самарадорлигини баҳолашнинг шафдофлиги ва холислиги, бошқариш самарадорлигига эришиш, корхоналарнинг энергия сарфи ҳажимини пасайтириш ва рақобатбардошлигини ошириш имконини беради. Айни кезде ҳар қандай инвесторнинг ҳар қандай вақтда гидроэлектр станцияларга инвестиция киритишлари учун халқаро ишонч вэриги ва шундай мақомдаги сифат қафолати вазифасини ўтайди.

Экология



ЧИҚИНДИ – КОНИ ЗАРАР, ҚАЙТА ИШЛАНСА КАТТА БОЙЛИК



Ғайрат САҒАРОВ,
Ислом ХУШВАҚТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари

Инсоннинг ҳўжалик фаолияти натижасида атроф-муҳитга бир неча юз хил чиқиндилар чиқарилади. Бугунги кунда уларнинг атиги бир неча турларидан — металл, пластмасса, қоғоз, шиша, ёғочдан икклиламчи хомашё сифатида фойдаланилмоқда, холос. Маълумотларга кўра, дунёнинг деярли барча мамлакатларида қаттиқ маиший чиқиндилар салмоғи аҳоли жон бошига ҳар йили бир фоиз ортиб бормоқда. Жаҳонда йилига қарийб 6 миллиард тоннагача маиший чиқиндилар ҳосил бўлмоқда.

Ўзбекистонда чиқиндилар билан боғлиқ вазият бутун дунёдаги каби долзарб. Шу боис, мамлакатимизда экологик хавфсизлини таъминлаш, хусусан, чиқиндиларни бошқариш соҳасида аниқ бир мақсадга қаратилган давлат сиёсати юритилмоқда. Сўнгги йилларда соҳанинг замонавий ҳуқуқий базаси яратилди. “Чиқиндилар тўғрисида”ги қонунга сўнгги 4 йил ичида беш марта қўшимча ва ўзгартириш киритилди. Соҳанинг бошқарув тизимини ислоҳ қилиш юзасидан қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Жумладан, Президентимизнинг 2017 йил 21 апрелдаги “2017-2021 йилларда маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2019 йил 17 апрелдаги “2019-2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорлари шулар жумласидандир.

Ҳозирги кунда мазкур стратегияни ҳаётга татбиқ этиш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда. 10 йилга

мўлжалланган мазкур стратегия икки босқичда амалга оширилиши белгиланган. Биринчи босқич, яъни 2019-2021 йиллар давомида қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги қонунчилик базасини ва иқтисодий тартиботлар механизмларини такомиллаштириш муҳим йўналиш этиб белгиланган.

Иккинчи босқичда эса қаттиқ маиший чиқиндиларни саралаб йиғиш бўйича инфратузилмани ривожлантириш, полигонларни оптималлаштириш, қайта юклаш станциялари ва чиқиндиларни қайта ишлаш объектларини қуриш, чиқиндилар билан боғлиқ ишларни комплекс амалга ошириш кластерлари фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлаш бўйича салоҳиятини ривожлантириш, шунингдек, бунда кўйилмади мақсадли индикаторларга эришиш назарда тутилган.

— аҳолини қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш кетиш бўйича хизматлар билан қамраб олишни 100 фоизга етказиш;

— ҳосил бўладиган қаттиқ маиший чиқиндиларнинг қамда 60 фоизини қайта ишлашни таъминлаш;

— ўзига хос қаттиқ маиший чиқиндиларни (таркибида симоб бўлган чиқиндилар, автошиналар, аккумуляторлар, ишлатилиб бўлинган мойлар, қадқоқлаш чиқиндилари ва ҳ.к.) қайта ишлаш ҳажмини 25 фоизгача ошириш, полигонларга кўмиш учун йўналтириладиган қаттиқ маиший чиқиндилар ҳажмини 60 фоизгача камайтириш;

— барча полигонлар ҳолатини ўрнатилган талабларга мувофиқлаштириш, ёпилган полигон ерларини тўлиқ рекултивация қилиш;

— қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш объектиларида муқобил энергия манбаларидан 35 фоизгача фойдаланиш;

— полигонлар ҳолати мониторингини (ер ости (сизот) сувлари ва атмосфера ҳавосининг ҳолати устидан назорат) 100 фоизгача таъминлаш.

Бугунги кунда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига қарашли 13 та “Тоза ҳудуд” ва “Махсустрас-ИЧБ” давлат унитар корхонаси ва уларнинг 184 та филиали мазкур стратегияни амалга оширмоқда. Шу билан бирга, ҳудудларда 99 та муқобил корхона ҳамда 9 та кластер фаолият кўрсатади.

Сўнгги уч йилда чиқиндиларни бошқариш соҳасига давлат бюджетидан ажратилган 390 миллиард сўм ҳисобига 742 та махсус техника сотиб олинди, мавжуд 204 та полигон модернизация қилинди. Бугун ҳудудлардаги санитар тозалаша ихтисослашган корхоналар тасарруфиде жами 2 868 та махсус техника мавжуд бўлиб, шундан 2 339 таси “Тоза ҳудуд” ДУК ва Тошкент шаҳри “Махсустрас-ИЧБ” ДУК, қолган 529 таси муқобил корхоналарга қарашлидир.

Маиший чиқиндиларни қўмиш, жойлаштириш учун 221 та чиқинди полигони мавжуд бўлиб, уларнинг умумий ер майдони 1493 гектарни ташкил этади. Полигонларда 2 миллиард тоннага

яқин чиқинди сақланмоқда. Уларнинг 189 таси “Тоза ҳудуд” ДУК ва 25 таси тадбиркорлик субъектлари ҳамда етти таси ободонлаштириш бошқармасига қарашли.

Чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши кўп омилларга боғлиқ. Улардан кўпроқ аҳамиятга эгалари аҳоли даромади, истеъмолчиларнинг хатти-ҳаракати, бозорда янги қадқоқланган маҳсулотларнинг пайдо бўлиши ва демографик кўрсаткичлар ҳисобланади. Ўзбекистонда қаттиқ маиший чиқиндиларнинг йиллик ҳосил бўлиш ҳажми 14-14,5 миллион тонна атрофида баҳоланади. Аҳолининг ўртача 1,5 фоиз кўпайиш суръатини ҳисобга олганда ушбу кўрсаткич 2028 йилга бориб 16-16,7 миллион тоннага етиши мумкин.

Соҳада қатор камчиликлар сақланиб қолмоқда. Хусусан, маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича хизматлар кўрсатилмайдиган ҳудудлар тадбиркорлик субъектларига имтиёзли асосда бириктириб берилиши лозим бўлса-да, ҳали бу иш тўлиқ бажарилмаган. Соҳада бозор иқтисодиёти механизми, хусусан, давлат-хусусий шериклик, хусусий сектор таъсири кўринмайди.

Аксарият чиқинди полигонларда чиқиндиларни сақлаш ва қўмиш талабларига риоя қилинмаган, полигонлар қуриладиган жойларда геологик ва гидрогеологик тадқиқотлар, экологик экспертиза ўтказилмаган. Айримлари санитария-эпидемиология хулосасисиз фаолият юритмоқда. Чиқиндиларни қўмиш ташлаш ва утилизация қилиш жойлари давлат кадастри тўлиқ юритилмайди.

Шунингдек, баъзи полигонларда чиқинди паспорти ишлаб чиқилмаган, чиқиндилар ҳисоби юритилмайдиган, санитар ҳимоя, қулатув зонаси мавжуд эмас. Полигонлар тўлиқ ичимлик сув, электр энергияси, оватланиш хонаси ва ҳожатхона билан таъминланмаган, қўллаб

полгонларга кириш йўллари йўқ, атрофи ўралмаган.

Жорий йил 10 августда Президентимиз раҳбарлигида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва хавфсизлигини ошириш, экологик осойишталикни таъминлаш, чиқиндиларни қайта ишлаш тизимини такомиллаштириш масалалари бўйича ўтказилган йиғилишда ушбу муаммолар муҳокама этилди.

Эндиликда соҳада туб ўзгаришлар қилиш мақсадида, аввало, амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш лозим бўлади. Шундан келиб чиққан ҳолда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси аъзолари томонидан “Чиқиндилар тўғрисида”ги қонунни такомиллаштириш ва уни янги тахрирдан қабул қилиш ишлари бошланган.

Миллий қонунчиликни, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тажрибасини ўрганиш ва таҳлил қилиш шунинг кўрсатмоқдаки, амалдаги “Чиқиндилар тўғрисида”ги қонунда номувофиқликлар мавжуд бўлиб, ҳуқуқни қўллаш масалаларида қатор камчиликлар сақланиб қолган.

Хусусан, чиқиндиларни, жумладан, кўп миқдордаги фойдали компонентларга эга бўлган маиший ҳамда ишлаб чиқариш чиқиндиларини дастлабки саралаш, турлари бўйича алоҳида тўплаш, зарарсизлантириш, утилизация қилиш, қайта ишлаш ва такрор фойдаланишни ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари белгиланган бўлмаган.

Чиқиндилар мониторингини, уларнинг ҳосил бўлиш ҳисобини юритиш, паспортилаш, чиқиндилар қўмиш ташланадиган ва утилизация қилинадиган жойларнинг давлат кадастрини юритишни ташкил этиш ва амалга ошириш механизминини белгиланган бўлмаган.

Соҳадаги масалаларни ҳал этишда

ННТлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фаоллиги, шунингдек, уларнинг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро ҳамкорлиги белгилаб берилмаган.

Бундан ташқари, ҳозирги кунда ҳосил бўлаётган сановат ва қурилиш чиқиндиларини ҳисоб-китоб қилиш ишлари, яъни тўплаш, жойлаштириш ва қайта тиклаш тизимини шаклланди.

Ҳудудларда пайдо бўлаётган ноқонуний чиқиндиҳоналарда маиший, қурилиш ва ишлаб чиқариш чиқиндиларини тўплаш қолмоқда. Боз устига, ушбу ноқонуний чиқиндиҳоналарнинг аксарияти, асосан, тадбиркорлик субъектлари томонидан ташкил этилмоқда.

Соҳага хусусий сектор вакилларини кенроқ жалб қилиш мақсадида уларга ҳудудларни бириктириб бериш жараёнларини соддалаштириш ҳамда тенг шартларда фаолият юритиш имкониятларини яратиб бўйича қонунчиликка янги нормалар киритилмоқда.

Бунда чиқиндиларни чуқур қайта ишлаш бўйича илгор инновацион технологияларни жорий қилишда имтиёз ва преференциялар беришнинг ҳуқуқий асослари ва механизмларини ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

Ҳосил бўлаётган қурилиш чиқиндиларини жойлаштириш учун шаҳар ва туманлар марказлари атрофида қурилиш чиқиндилари полигонини ташкил этиш ҳамда уларни қурилиш материал сифатида қайта ишлаш, янги ҳамда арзонлаштирилган хомашё базасини яратишни қўллаб-қувватлаш назарга олинган.

Чиқиндилар ҳосил бўлишининг ўсиш суръати аҳолининг яшаш шароити ва республика иқтисодиётининг ўсишини кўрсатиб бериувчи асосий индикатор экан, келгусида чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини модернизациялаш ва такомиллаштириш янада долзарб бўлиб қолаверади.

Инновация

IT-ПАРКЛАР — РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ЛОКОМОТИВИ

Бошланиши 1-бетда

РЕЗИДЕНТЛАР 2028 ЙИЛГАЧА СОЛИҚЛАРДАН ОЗОД ЭТИЛГАН

— Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик паркиннинг резидентлари ҳисобланган 392 та ташкилотда бугун тўрт минг нафар мутахассис фаолият юритмоқда, — дейди IT-Park Uzbekistan директори Фарход Иброҳимов. — Ушбу компанияларнинг 14 таси хорижий капитал иштирокида ташкил этилган, 54 таси янги очилган. IT-паркда улар учун зарур инфратузилма, жумладан, замонавий лабораториялар, коворкинг марказ, офис майдонлари мавжуд. Технопаркда резидентларга молиявий, маркетинг, юридик ва бошқа консалтинг хизматлари кўрсатилади. Резидентлар учун молиявий имтиёзлар берилган. Улар 2028 йилнинг 1 январига қадар барча солиқ ва давлатнинг мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалардан, шунингдек, бир марталик иктимой тўловлардан озод қилинган.

Бу каби имтиёз ва қўлайликлар ўз самарасини бермоқда. Йил бошидан бери IT-парк резидентлари томонидан жами 560 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Дастурий маҳсулотлар ва хизматлар ҳажми 321 миллиард сўм, экспорт ҳажми эса 5,1 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Тошкент шаҳрида IT-парк резидентлари сонини кўпайтириш ҳамда етарли шарт-шароитлар яратиш мақсадида умумий майдони 408 минг квадрат метрга тенг ҳудудда IT-парк инфратузилмаси объектларини қуриш концепцияси ишлаб чиқилди. IT-паркнинг худудий филиалларини ташкил этиш бўйича жойлардаги маҳаллий ҳокимликлар билан қўшма қарорлар имзоланиб, ҳар бир лойиҳа бўйича бажариладиган вазифалар тармоқ жадваллари тасдиқланди. Лойиҳа ва смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича бош лойиҳалаш ва бош пудратчи ташкилот ҳамда IT-парк худудиде янги инфратузилма объектларини қуриш бўйича танланган инвесторлар билан шартномалар имзоланди. Жумладан, Мухаммад ал-Хоразмий номидаги АКТА иختисослашган мактаб худудиде IT-паркнинг Тошкент филиалини ташкил этиш учун қиймати 70 миллиард сўмга тенг 16 қаватли бино қуришга ер майдони ажратилди ва бу ерда тегишли ишлар апликацион бошлаб юборилган.

IT-паркнинг худудий филиаллари бинолари Андижон (“Digital City” технопарки), Фарғона (IT-парк Марғилон филиали), Сирдарё (IT-парк Гулистон филиали) вилоятларида фойдаланишга топширилди. Андижон филиалида 10 та ва Марғилон филиалида 7 та резидент фаолият юритмоқда. Шунингдек, Наманган,

Нукус, Самарқанд, Урганч ҳамда Жиззах шаҳарларида IT-парк филиали бинолари қурилмоқда.

ҒОЛИБЛАРГА 100 МИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ БЕРИЛАДИ

Бугун IT-парклар томонидан ёшларнинг рақамли имкониятларга доир билиминини ошириш, ёш дастурчиларни тайёрлаш, уларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш учун қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ва IT-парк ҳамкорлигида коронавирус пандемиясига қарши курашиш, унинг оқибатларини енгилаштиришга хизмат қилувчи инновацион ғояларни излаб топилуш бўйича ёшлар ўртасида “COVID-19 Challenge — 2020” танлови ўтказилди. Танловга 600 дан ортиқ ариза келиб тушган бўлиб, шулардан 5 таси ғолиб деб топилди ва уларга 42,5 минг АҚШ долларини ажратилди.

Бундан ташқари, соғлиқни сақлаш, таълим, транспорт, тадбиркорлик ҳамда туризм йўналишида тахсил олаётган талабалар ўртасида энг яхши мобил иловаларни ишлаб чиқиш бўйича илк бор “mGovAward” танлови ўтказилмоқда. Танлов учун хорижий ҳамкорлар томонидан 100 минг АҚШ долларини ажратилган ва учта муносиб жамоа мазкур маблаг ҳисобидан рағбатлантирилади. Аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш учун қиймати 140 минг АҚШ долларига тенг лойиҳа ҳам амалга ошириляпти.

Шунингдек, асосий ижросини IT-парк бўлган бепул онлайн платформа — “Бир миллион дастурчи” лойиҳасини ҳам алоҳида тилга олиш лозим. Унинг ўзига хослиги шундаки, лойиҳада барча хоҳловчанлар дастурлаш асосларини ўзбек тилида бепул ўрганиши мумкин. Бугунги кунга келиб платформада мамлакат бўйлаб 60 мингдан ортиқ фойдаланувчи таълим олмақда. Беш мингдан зиёд фойдаланувчи апликацион лойиҳа битирувчисига айланди. Шу кунгача ҳам юртимиздаги 32 та IT-марказда 7 минг 200 ўқувчи таълим олди. Мазкур IT-марказларда саксондан зиёд иш ўрни ва 116 та онлайн видеодарс яратилди. 2021 йилга бориб юртимизнинг ҳар бир тумани марказида IT-марказлар очилади ва унда рақамли оламга оид энг зарур фанлар ўқитилади. Шу қатори айни кунда IT-парк томонидан мобил робототехника бўйича миллий терма жамоани шакллантириш жараёни бошланди.

Бишлардан қўзланган асосий мақсад Президентимиз томонидан илгари сурилган беш муҳим ташаббуснинг иккинчи йўналиши доирасида аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ҳамда интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этишидир.

Санобар ЖУМАНОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Истеъмолчи ҳуқуқи

МАИШИЙ ХИЗМАТ КўРСАТИШ СОҲАСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК АСОСЛАРИ ҚАЙТА ИШЛАБ ЧИҚИЛИШИ КЕРАК



Павел МАГАЙ,
Истеъмолчилар
ҳуқуқларини ҳимоя қилиш
агентлиги бошқарма бошлиғи

Ҳар бир инсон кундалик ҳаётида маиший хизмат турларидан фойдаланади. Иш бор жойда камчилик ҳам бўлади. Айтиялик, автоустахоналар машинани ўз мурдатиде сифатли таъмирлаб бермаслиги, турли товарларни ижарага беришда истеъмолчи учун ҳеч қандай кафолат бўлмаслиги мумкин. Бундай баҳсли ва низоли ҳолатларни бартараф этишда қийинчиликлар юза келади, чунки уларни ҳал этишнинг қонуний асослари мавжуд эмас.



ёки ишни бажариш учун берилган буюмни йўқотган ёки ишдан чиқарган ижрочи, амалдаги қоидаларга кўра, фақат уни худди шундай буюм билан алмаштириши ёки истеъмолчига унинг қийматини тўлаши керак. “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунга кўра эса истеъмолчи янада кенг ҳуқуқларга эга, у айнан ўқшаш буюмни талаб қилиш ёки ижрочи буюми амалга ошириш имконига эга бўлмаган тақдирда берилган буюмнинг қийматини икки баравар қилиб тўлашни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Бундан ташқари, амалдаги қоидаларда белгиланган тартибга кўра, мебелини тайёрлаш ва тузатиш, уй-жой ва турар жой бўлмаган буюмларни таъмирлаш ва қуриш, пой-абзал тайёрлаш ва яқна тартибда кийим тиқиш бўйича хизматлар учун буюртмачи буюртмани расмийлаштиришда иш қийматининг 50 фоизини миқдориде, мураккаб уй-рўзгор техникасини тузатиш хизмати учун 15 фоиз миқдориде аванс тўлайди, тантанали тадбирларда хизмат кўр-

сатиш, маросимларни ўтказиш, аҳолини курсларда ўқитиш ҳақи бир ой олдин тўланади. Кимёвий тозалаш, кир ювиш, овоз ёзиб олиш студиялари, транспорт, маълумот-ахборот хизматлари учун тўловлар буюртмани расмийлаштиришда тўлиқ тўланади. Ушбу нормалар ҳам “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунга эса 1996 йилда қабул қилинган билан боғлиқ. Бошқа сабаби — аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳасида ваколатли органнинг йўқлиги.

Ушбу қарама-қаршилиқлар, биринчи навбатда, мазкур қоидалар 1995 йилда, “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун эса 1996 йилда қабул қилинган билан боғлиқ. Бошқа сабаби — аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳасида ваколатли органнинг йўқлиги.

Бундан ташқари, амалдаги қоидаларда белгиланган тартибга кўра, мебелини тайёрлаш ва тузатиш, уй-жой ва турар жой бўлмаган буюмларни таъмирлаш ва қуриш, пой-абзал тайёрлаш ва яқна тартибда кийим тиқиш бўйича хизматлар учун буюртмачи буюртмани расмийлаштиришда иш қийматининг 50 фоизини миқдориде, мураккаб уй-рўзгор техникасини тузатиш хизмати учун 15 фоиз миқдориде аванс тўлайди, тантанали тадбирларда хизмат кўр-

сатиш, маросимларни ўтказиш, аҳолини курсларда ўқитиш ҳақи бир ой олдин тўланади. Кимёвий тозалаш, кир ювиш, овоз ёзиб олиш студиялари, транспорт, маълумот-ахборот хизматлари учун тўловлар буюртмани расмийлаштиришда тўлиқ тўланади. Ушбу нормалар ҳам “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунга эса 1996 йилда қабул қилинган билан боғлиқ. Бошқа сабаби — аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳасида ваколатли органнинг йўқлиги.

Бироқ аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳаси бундан мустасно. Шу сабабли низоли ва иختилоfli вазиятлар юзага келганда уларни ҳал қилиш мушкул бўлади.

Ҳодимларимиз истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида ҳуқуқни қўллаш амалиётига оид ишларни мунтазам равишда олиб боради. Урганиш якунларида таъиниб, агентлик амалдаги қоидаларга ўзгартиришлар киритмай, балки МДХ мамлакатларининг мазкур масалаларга оид илгор тажрибасига таянган ҳолда янгисини ишлаб чиқиш ҳақида қарор қабул қилди.

Қарор лойиҳаси билан автомобилларни ювиш шохобчалари ва автоустахоналар, ҳаммом-соғломлаштириш комплекслари, косметик муолажалар, турли товарларни ижарага бериш ва қлиринг хизматлари сингари соҳаларни қўшимча равишда қамраб олиш режалаштирилмоқда.

Маиший хизмат кўрсатишга оид барча соҳаларда қўйидагиларни амалга ошириш мажбурий бўлади: шартнома ёки квантанция расмийлаштириш, буюртмани бажаришда белгиланган талабларга мослиги мувофиқлик сертификатини (сертификатлаш мажбурий бўлган товарлар учун) билан тасдиқланган материаллардан фойдаланиш, ишлатилган материал тўғрисида истеъмолчига ҳисобот бериш, унинг қолдирини қайтариш ёхуд буюртмачининг розилиги билан ишининг баҳосини камайтириш, ижросига берилаётган буюмнинг тавсифини ва ундаги мавжуд камчиликларни шартномада ёки квантанцияда кўрсатиш ҳамда ижрочи таъмирлаш ёки тайёрлаш учун қабул қилаётган заргарлик буюмларининг пробалари билан бевосита истеъмолчи ҳузурда аниқлаш шарт.

Агентлик истеъмолчиларнинг манфаатларини қўзлаб, амалдаги қонунчиликни такомиллаштиришга оид чора-тадбирларни қўришда давом этади.

Таҳлил

МУАММОЛАР ҲАҚИДА БОНГ УРИШ ЭМАС, УЛАРНИ БИРГАЛИКДА БАРТАРАФ ЭТИШ ЛОЗИМ



Кўнғиртоиб ШАРИПОВ, Тошкент давлат иқтисодий университети ректори

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотларига мамлакатимизда январь-июнь ойларида ишсизлик даражаси 13,2 фоиз, 16-30 ёшдагилар ўртасида эса 20,1 фоизга етгани қайд этилди. Иш билан таъминланган муҳтожлар сонининг 1,94 миллион кишига ортагани муаммонинг қанчалик ташвишли эканини кўрсатиб турибди. Бу рақамлар катта ҳаётга кириб келаётган ёшларнинг келгуси тақдирини ҳақида бугундан қайғуришимиз, уларга янада сифатли таълим беришни йўлга қўйишимиз лозимлигини яна бир қарра ёдимизга солиб, бизни сергак тортираётгани ҳам ҳақиқат.

Шундай шароитда олий таълим тизимида ўз ечимини қутаётган долзарб масалалар борки, кишини мулоҳаза қилишга ундайди. Айниқса, пандемия шароитида ўтган вақт давомида ортирилган таълим асосида масофавий ўқитиш тизимини такомиллаштириш, мазкур жараёнга таълим сифатини таъминлашга қодир бўлган малакали педагогларни жалб қилиш, уларнинг меҳнатини муносиб рағбатлантириш, масофавий ўқитиш учун зарур бўлган техник воситалар билан таъминлаш ва инфратузилмани мослаштириш янада долзарблик касб этяпти.

Айни вақтда Ўзбекистондаги олий таълим муассасалари ўзлари учун ўқитишнинг ноанъанавий шакли бўлган масофавий турига тайёрмиди, ОТМ бюджетини ташкил этувчи асосий ресурслар қандай шакллантирилмоқда, талабаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни қандай шакллари мавжуд, деган саволлар кўпчилики бирдек ўйлантирапти.

Аввало, пандемия даврида ўқув жараёнини юқори савияда ташкил этиш ҳамда сифатли таълимни таъминлаш борасидаги илк қадамлар нисбатан қисқа фурсатда қанчалик муваффақиятли амалга оширилган бўлмасин, камчиликлардан ҳам холи бўлмади. Бунинг сабабларидан бири аксарият олий таълим муассасалари ўқув тизимини жорий этиш бўйича етарли тажриба ва салоҳиятга эга бўлмагани, интернет тармоғи етиб бормаган ва етарлича интернет тезлиги мавжуд бўлмаган ҳудудларда ўқитиш сифатини таъминлашнинг имконияти чеклангани билан боғлиқдир. Шунингдек, айрим талабалар карантин чекловлари ўрнатилган вақтини таътил сифатида қабул қилиб, муваққил таълим олиш бўйича яратилган имкониятдан самарали фойдалана олмагани ҳам ҳеч қимга сир эмас.

Аммо масаланинг яна бир томони борки, юқоридаги камчиликлардан тегишли хулосалар чиқарилиб, таълим тизимига замонавий ёндашувларни олиб кириш фаоллашди. Айни кезде Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан 2020-2021 ўқув йилидан 33 та олий таълим муассасасида ўқув жараёнини таълимнинг замонавий шакли бўлган кредит-модуль тизими асосида ташкил этиш бўйича ишлар олиб борилаётган.

Кредит-модуль тизимининг жорий этилиши ўқувчи ва талабанинг ҳамкорликда ишлашида муҳим омил ҳисобланади. Модулли таълимда педагог тингловчининг ўзлаштириш жараёнини ташкил этади, бошқаради, маслаҳат беради, текширади. Талаба эса йўналтирилган объект томон муваққил ҳаракат қилади. Энг катта ургу ҳам талабанинг муваққил таълим олишига қаратилади. Энди талаба билимини фақат аудиторияда ўтириб эмас, аудиториядан ташқар

Юртимизда нафақат COVID-19 балосини бартараф этиш ва одамлар ҳаётини сақлаб қолиш, балки аҳолининг кам таъминланган қатламида ижтимоий ҳимоялаш, иқтисодий катта талафотлар кўришининг олдини олиш, ёш авлоднинг баркамол бўлиб вояга етишини таъминлаш, уларга билим ва илм бериш бўйича муҳим, шу билан бирга, кечиктириб бўлмайдиган комплекс қарорлар қабул қилиниб, ижроси амалга оширилиб келинмоқда.

рида ҳам ўрганишига устуворлик берилади. Айниқса, бугунги пандемия шароитида ушбу тизим билим бериш ва таълим олиш жараёнида вақтни самарали ташкил этиб, замонавий технологиялардан кенгроқ фойдаланиш имконини беради.

ТАЛАБАЛАР УЧУН ҚАНДАЙ ИЖТИМОЙ ЁРДАМ ПАКЕТЛАРИ ВА ҚЎШИМЧА ҚУЛАЙЛИКЛАР МАВЖУД?

Бугун кўпчиликини ўйлантираётган муҳим масалалардан бири талабаларнинг контракт тўловини амалга ошириши билан боғлиқ. Бугунги пандемия шароитида айрим оилаларнинг даромад манбаини йўқотгани фарзандларининг контракт пулларини тўлаш билан боғлиқ муаммоларни юзага келтирмоқда. Аммо, бошқа томондан, масофавий таълим олиш хисобига талабалар учун ҳар кунлик ўқушга келиб-кейтиш, тушлик қилиш, ётоқхона ёки вақтинчалик турар жой ва бошқа қўнғилчар тадбирлар учун сарфланадиган харажатларнинг ҳам тежалаётганини қайд этиш ўринлидир.

Шундай бўлса-да, юртимизда ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга турли йўналишларда қатор ёрдам ва имтиёзлар бериб келинмоқда. Таълим соҳасида ҳам бундай имкониятлар йўқ эмас. Амалдаги қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан, олий таълим муассасалари бюджетидан талабаларни моддий қўллаб-қувватлаш фонди учун янги 2020-2021 ўқув йилидаги жами тушумга нисбатан 2,0 фоиз маблағлар ажратилади. Бу йўрсаткичи биргина Тошкент давлат иқтисодий университетида янги 2020-2021 ўқув йили учун 1,424 миллиард сўмини ташкил этади.

Президентимизнинг 2019 йил 17 июндаги "2019-2020 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқушга қабул қилинишни давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида"ги қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 январдаги "Олий таълим муассасалари талабаларига тўланадиган стипендиялар миқдорларини белгилаш ҳамда стипендиялар тайинлаш ва тўлаш тартибининг такомиллаштириш тўғрисида"ги қарориди ҳам талабаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган алоҳида вазифалар белгилаб берилган. Унда олий таълим муассасаларида ҳар бир фанни аъло баҳолашга ўзлаштирувчи, иқтидорли, жамоат ишларида фаол бўлган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож талабаларни моддий қўллаб-қувватлаш тартиби жорий этилган.

Бундан ташқари, олий таълим муассасалари томонидан ўтказиладиган турли ижодий танловлар, иш бериувчиларнинг ҳомилийк ва грант маблағлари, маҳаллий ва хорижий лойиҳалар, фан олимпиадаларидаги муваффақиятлар учун ҳам алоҳида моддий рағбатлантириш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. Бунга Тошкент давлат иқтисодий университетида Ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш илмий кўмак маркази фаолияти йўлга қўйилганини

Талабаларни моддий қўллаб-қувватлаш фонди учун 1,424 млрд. сўм (жами харажатга нисбатан 2,0 фоиз), хизмат сафарлари, коммунал хизматлар, товар ва хизматлар (+аутсорсинг), мебель, офис ва компьютер жиҳозлари ҳамда бошқа харажатлар учун сарфланадиган маблағлар ҳам контракт тўловлари хисобига қопланади.

мисол тариқасида келтиришимиз мумкин. Ушбу марказ фаолиятини йўлга қўйиш орқали университетда илмий асосланган ва амалиётга реал таътиб этиш мумкин бўлган гоёлар асосида бизнес режалар тузилиб, ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартап, гоё ва лойиҳаларини амалга ошириш

учун майдон яратилди. Мазкур лойиҳага инвестициялар ва молиявий ресурслар жалб қилиш мақсадида ҳамкор ташкилотлар билан фаол иш олиб борилаётган. Жумладан, Учтепа тумани ҳокимлиги билан ёшлар орасида бизнес стартап лойиҳаларини амалиётга татбиқ этишга кўмаклашишга қаратилган умумий қиймати 10 миллиард сўмини ташкил этадиган келишувга эришилди. Тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилишга қаратилган лойиҳалар бўйича "Туронбанк" АТБ билан қиймати 2,5 миллиард сўм миқдоридagi молиявий ресурслар жалб этилиши мумкин. Шунингдек, "Агробанк" АТБ билан эришилган келишувга кўра, лойиҳаларга 350 миллион сўм маблағ йўналтирилади.

Ижтимоий аҳоли оғир, чин етим, ногиронлик тоифасидаги талабалар ҳам бугунги кунда муайян қийинчиликларни бошидан кечираётгани табиий. Шу боис, Тошкент давлат иқтисодий университетида тахсил олаётган 22 нафар чин етим, ногиронлиги бўлган 31 нафар, ижтимоий ёрдам сўраб мурожаат қилган 41 нафар талабага университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари хисобидан моддий кўмак ажратилди. Давлат ва нодавлат идора, ташкилот, корхона ва муассасалар билан ҳамкорлик қилиниб, ҳимояга муҳтожларнинг контракт тўловини тўлаш, уларнинг иқтидорларини муносиб баҳолаш мақсадида моддий қўллаб-қувватлаш тизими яратилди.

Биргина Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан университетнинг аъло баҳолашга ўқиган, ижтимоий фаол 23 нафар талабасига контракт суммасининг 35 фоизи тўлаб берилди. Пандемия даврида талаба-ёшлар ўртасида турли ижодий қўриқ-танловлар ўтказилиб, уларнинг гоғиллари бўлган 60 нафардан ортиқ талаба 300 минг сўмдан 2 миллион сўмгача бўлган миқдорда моддий рағбатлантирилди. Амалга оширилган бу каби чора-тадбирлар талабаларни ўқушга, илм олишга ундаш билан бир қаторда қўшимча моддий даромадга эга бўлишларини ҳам таъминламоқда.

Талабаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ишларини давом эттирган ҳолда 2020-2021 ўқув йилидан "Ўзингни ўзинг молиялаштир" лойиҳасини ишга тушириш режалаштирилган. Бунда ҳар бир талабанинг билим ва иқтидори турли тадбир ва танловлар орқали моддий рағбатлантириб борилиши кўзда тутилган. Натижада талаба ўз келажига учун янги инвестиция манбаларига эга бўлади.

ТўЛОВ-КОНТРАКТ ПУЛЛАРИ НИМАЛАРГА САРФЛАНМОҚДА?

Бугун "масофавий таълим ўқиш харажатларини қисқартиради, шу боис, контракт тўловларини ҳам камайтириш керак", деган фикрлар тез-тез қўлгошимизга чалинади. Айрим талабалар кўрсатилаётган таълим хизмати контракт тўловларига мутаносиб эмас, деб ҳисобламоқда. Контракт суммаларининг нималарга сарфланаётганига қизиқиш билдирмоқда.

Олий таълим муассасалари-



нафари бюджет ва 1 874 нафари тўлов-контракт асосида ўқийди. Умумий ҳисобда 2020 йил 1 сентябрь ҳолатига университет бўйича жами 7 839 нафар талаба, хусусан, 470 нафари бюджет ва 7 369 нафари тўлов-контракт асосида тахсил олади. Бундан университет бюджетига 71,239 миллиард сўм келиб тушади.

Белгиланган нормативларга мувофиқ, тўлов-контракт асосида тахсил оладиган 7 369 нафар талабага 360 штат бирлигида ҳодим ва 423 штат бирлигида профессор-ўқитувчи тўғри келади. Мазкур ҳодим ва профессор-ўқитувчилар учун бир ўқув йили давомида жами 47,325 миллиард сўм (жами харажатга нисбатан 66,4 фоиз) ойлик иш ҳақи ва 12 фоиз бўлган ягона ижтимоий тўлов учун 5,679 миллиард сўм (жами харажатга нисбатан 8,0 фоиз) тўлов амалга оширилади.

Талабаларни моддий қўллаб-қувватлаш фонди учун 1,424 миллиард сўм (жами харажатга нисбатан 2,0 фоиз), хизмат сафарлари, коммунал хизматлар, товар ва хизматлар (+аутсорсинг), мебель, офис ва компьютер жиҳозлари ҳамда бошқа харажатлар учун сарфланадиган маблағлар ҳам контракт тўловлари хисобига қопланади.

Бугун қисқа даврда қўлга қиритилган ютуқларни оммалаштириш, илгор маҳаллий ва хорижий тажрибани ўзлаштириш, йўл қўйилган камчиликларни таҳлил қилиш орқали уларни бартараф этиш бўйича ҳар бир ОТМда аниқ стратегик мақсадлар ишлаб чиқилмоқда. Шу ўринда контракт суммалари масаласида талабаларни ўзини ўзи банд қилиш орқали молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича лойиҳаларга жалб этиш, ижтимоий аҳоли оғир, чин етим, ногиронлик тоифасидаги талабалар учун ҳомилийк маблағларини йўналтириш, амалдаги қонунчиликка мувофиқ талабаларнинг контракт суммаларини тўлашда тижорат банклари томонидан имтиёзли даврларни ўз ичига олган қўшимча ресурсларни жалб этиш, хайрия акцияларини ташкил этган ҳолда ижтимоий аҳоли ночор бўлган талабаларга ёрдам қўлини узатиш каби тақлифларни кўриб чиқишни тавсия этган бўлардим. Бу борада ёшларнинг масофадан туриб ўқиши учун ахборот технологияларидан фойдаланиш имкониятини ошириш, даромади турлича оилалардан бўлган талабалар ўртасида таълим олишда тафовут бўлмаслиги учун ижтимоий интернет пакетларини жорий этишга ҳам алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайман.

Ҳозирги пандемия шароитида асосий фикр ва ҳаракатлар эмас, балки амалий ишлар кўпроқ наф келтиришини ағлаб етишимиз лозим. Утказилаётган ислотлар натижасида қаддини тиклаб бораётган олий таълим тизими ўз олдига қўйган аниқ мақсадларни рўёбга чиқаришда дадил одимлаётганини барчамиз яхши ҳис қилишимиз керак.

Таъкидлаш жоизки, таълимнинг инқирози нафақат ёшлар, балки мамлакатларнинг ривожланиш истиқболларига ҳам жиддий таъсир кўрсатади. Шу боис, бугун таълимга инвестиция қилишни қўлайтириш имкониятлари ҳақида қайғуриш ва унинг ҳимоялашини, мақсадли ишлатилишига эришиш нафақат биз, балки бутун инсоният учун муҳим аҳамиятга эга. Зеро, бу келгуси 10 йилликлардаги тараққиётимизни белгилаб беришчи асосий омиллардан биридир.

Акс-садо



ТАМАДДУННИНГ ПЕШҚАДАМ ДАРҒОҲЛАРИ

Турк-исломий цивилизация ва ўзбек халқи тарихида улкан ўрин тутган

Тимур КОЖАҲҲУЛУ, Мичиган давлат университети (АҚШ) профессори, Европа, Россия ва Евроосиё тадқиқотлари маркази директори ўринбосари

Шарқдаги жамиятлар орасида эътиқод, яшаш тарзи ва кадрларнинг нуктаи назаридан жуда фарқли бир ўринга эга туркийлар ўрта асрларда ҳаётнинг барча соҳаларида инқилобий ўзгаришларга тамал тошини қўйган халқлардир.

Исломи дини дунёвий билимларни ўрганиши буюрган. Шу сабабли исломни қабул қилган жамиятлар аввалбошдан ўқиш-ўрганиш ва таълимга катта аҳамият берганлар ва таълим-тарбия тузилмаларини шакллантиришга киришганлар. Ҳар қандай жамият каби туркийларнинг ҳам илгиридан билим олиш ва ўргатиш усули ва йўл-йўриқлари бор эди. Аммо исломиятни қабул қилган бошқа миллатлардан фарқи улроқ, ўзларига хос билим олиш, ўрганиш ва билимни бошқаларга ўргатиш йўл-йўриқларига эга бўлган туркийлар ўша ўрнинг барча илм-фан соҳаларида янги билимларни ёйиб, асарлар ёзган. Диний билимлардан ҳуқуқшуносликка, каломдан фалсафага, адабиётдан психологияга, математикадан астрономиягача бўлган соҳаларда буюк асарлар битган. Бу билимларнинг вужудга келишига кўмаклашган ташкилий тузилмалар шакллантирилиши, айниқса, муҳимдир. Бу муассаса эса, шубҳасиз, мадрасалардир ва улар ўрта асрдаги исломий маданият ва илм-фаннинг ҳақиқий ўчоқларидир.

Самарқанд давлат университети ректори профессор Рустам Холмуродов



Муслим Ўзбекистоннинг энг катта ва шонли илмий аъналарига эга университетларидан бири бўлган Самарқанд давлат университетини Ўзбек мадрасасининг бевосита давоми деб ҳисоблаш, унинг тарихини мадрасанинг таъсис йили - 1420 йилдан бошлаш ҳамда 2020 йилда СамДУ ташкил топганининг 600 йиллигини нишонлаш айни муддаодир.

нинг шу йил 9 июлда "Янги Ўзбекистон" газетасида эълон қилинган "Самарқанд университети Мирзо Улугбек мадрасаси олиясидаги вориси" сарлавҳали мақолада Туркистон географиясидаги мадрасаларнинг ислом олами ва дунё тамаддуни тараққиётига қўшган ҳиссаси ҳақида сўз юритилади ҳамда СамДУ Улугбек мадрасасининг бевосита давоми эканини оид ҳаққоний фикрлар баён қилинади. Шубҳасиз, исломий тамаддунининг энг муҳим ижтимоий-таълимий институтларидан бири мадрасалар эди ва Ўзбекистоннинг Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Қўқон каби шаҳарларидаги мадрасалар дунёвий ва диний билимлар, тиббиёт, астрономия, аниқ фанлар ҳамда ҳуқуқ-фалсафа йўналишларидаги таълимда тенги йўқ бўлган. Ҳақиқатан ҳам, бугунги ўзбек университетлари ана шу мухташам таълим даргоҳларининг бевосита давомиликларидир.

Туркистон — инсоният тамаддунининг бой тарих ҳамда мислсиз маданий меросга эга энг эски бешикларидан бири. Шарқ ва Ғарб чорраҳасида жойлашган бу минтақа кўп асрлар давомида маданият, илмий гоёлар, тиллар ҳамда динларнинг ўзаро мулоқоти ва таъсирига туртки берди. Мовароуннаҳр минтақасида 9-12-асрларда илм-фан, маданият, санъат соҳаларидаги юксалишлар 13-аср бошидаги мўғул истилоси тўғрисида тўхтаб қолди. Аммо бу юқори ҳолат узоқ қўзилмади. 14-асрнинг иккинчи ярмидан эътиборан

Амир Темурнинг тарих саҳнасида чиқиши билан минтақада юксалиш қайтадан бошланди ва теурийлар давлатининг қарор топиши ортидан ўлка яна янгидан маданият, илм-фан, санъат ва адабиёт марказига айланди. Хусусан, Амир Темурнинг набраси Улугбек замонида Самарқанд, Бухоро ва Ғиждувонда уч муҳим мадраса қурилди ва бу мадрасалар маданият, илм-фан, санъатнинг ривожини таъминлаб берадиган олим ва санъаткорларни етиштириб беришда катта роль ўйнади. Айниқса, Улугбекнинг Самарқанд мадрасаси ўлка халқларига илм-фан маркази, балки ўша давр уламолари учун ўзига хос академия вазифасини ўтади. Шу боис ҳам бу ерда Турону эронлик 200 дан ортиқ олим фаолият кўрсатган. Самарқанд мадрасаси 1420 йилда битказилган бўлиб, икки қаватли, бурчакларидagi тўртта дарсхонанинг устида тўртта гўмбаз ва тўртта минораси бўлган. Мадрасанинг биринчи ва иккинчи қаватларида 25 тадан хужра бўлиб, ҳар бирида иккитадан талаба яшаган. Мадрасага ҳар хил мамлакатлардан келган иқтидорли талабалар танлаб олинган. Унинг пештоқига юлдузлар билан тўла осмон тасвирланган. Бу ҳол мадрасадан ўқитиладиган фанлар орасида астрономияга алоҳида аҳамият берилганидан далолатдир.

Улугбек, Қозисода Румий, Жамшид ал-Қошии ва Али Қўшчи каби йирк олимлар раҳнамолигида бу мадраса маданият, илм-фан, санъат ва адабиётнинг бешигига айланган бўлса-да, бу аҳвол узоқ вақт давом этмаган. Улугбекнинг қатл этилиши тўғрисида мадрасалардаги олимлар аста-секин бошқа минтақаларга тарқалиб кетган. Шунга қарамай, кейин ҳам юз йиллар давомида бу мадрасалар турк-ислом тарихи ва санъатининг ривожига хизматларини давом эттиради.

18-асрнинг охири 19-асрнинг бошларида, афсуски, мадрасалардаги таълим сифати тушиб кетиб, дин ҳамда илм-фандан шахсий манфаатлари йўлида фойдала-

ниши истаган кишилар таъсирда диний ҳукмларни хато тушуנוвчи ва тушунтирувчи, билим ва санъатга эътибор бермайдиган авлод етиша бошлади. Натижада 19-асрнинг иккинчи ярмида турк-ислом дунёсиде мадрасалардаги бу эскирган таълим тафаккури ўрнига "усули жаҳид" деб номланган таълим усули тарқала бошлади ва бу йўлга Исмомил Фаспирал, Шихабеддин Маржоний, Маҳмудхўжа Бехбудий, Усмонохўжа Пулатхўжа ўғли каби машҳур мутафаккирлар асос солди.

20-асрнинг биринчи чораги охирида бу ҳудудларда ташкил топган СамДУ, ҳозирги УзМУ каби янги типдаги олий таълим муассасалари ўтмишдаги донгдор мадрасаларнинг узвий давоми сифатида ўртага чиқди. Шу сабабли муваққил Ўзбекистоннинг энг катта ва шонли илмий аъналарига эга университетларидан бири бўлган Самарқанд давлат университетини Ўзбек мадрасасининг бевосита давоми деб ҳисоблаш, унинг тарихини мадрасанинг таъсис йили - 1420 йилдан бошлаш ҳамда 2020 йилда СамДУ ташкил топганининг 600 йиллигини нишонлаш айни муддаодир. Улугбек мадрасаси очилган тарихий кунда (1420 йил, 21 сентябрь) туркий-исломий цивилизация ва ўзбек халқи тарихида улкан ўрин тутган муқаддас даргоҳлар — Улугбек мадрасаси олияси ва СамДУнинг 600 йиллигини нишонлаш ўзбек олий таълим тизими тарихини янгича қарашлар билан ўрганишда ҳам айни давр очади.

Мозий — ҳақиқат тарозиси

ЮЛДУЗЛАР САМОДАН ҚУВЛАЙДИ ТУННИ



Ҳажим ИҶДОШЕВ олган суратлар.

XX аср бошларида жадид адабиёти сифатида дунёга келган янги ўзбек адабиёти юз йилдан зиёроқ тарихи мобайнида жуда кўплаб улуг шоир ва ёзувчиларни етиштириб бердики, уларнинг асарлари ва эришган ижодий ютуқлари нафақат ўзбек адабиёти, балки жаҳон адабиёти тарихига ҳам улкан ҳисса бўлиб қўшилди.

Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, Беруний номидаги Давлат мукофоти ва “Эл-юрт ҳурмати” ордени соҳиби, филология фанлари доктори, профессор Наим КАРИМОВ ўша даврдаги ўзбек адабиёти ва унинг йирик вакиллари ижодини миллий гоа мезонлари асосида ўрганиш ишини биринчилардан бўлиб бошлаб берган адабиётшунос олим. “Чўлпон”, “Ойбек”, “Ҳамид Олимжон”, “Шайхзода”, “Миртемир”, “Усмон Носир”, “Зулфия” сингари маърифий-биографик романлар муаллифи. Унинг илмий раҳбарлиги ва иштирокида Ҳамза, Чўлпон, Ойбек, Гафур Гулом, Ҳамид Олимжоннинг алоҳида-алоҳида кўпжиддлик “Мукаммал асарлар тўплами” нашр этилган.

балки халқнинг ҳам аҳоли оғир бўлган. Шу даврда Туркистон халқининг қандай аянчли аҳволга тушгани жадид шоирларининг ижодида яққол акс этган.

Чўлпон “Туркистонли қардошларимизга” (1914) шеърда бундай ёзган:

*Илму маориф ҳам хунардан қолди маҳрум бизни халқ,
Маърифатсизлик касалига йўлиққан бизни халқ.*

*Бир киши миллатпараст ўлса, деюрлар “дахрий” деб,
Бир киши миллатни сўкса, иззат айлар бизни халқ.*

*Мактаб ўрнига очилди ҳар маҳалда майхона,
Нафрат этмак нари турсин, шоду хандон бизни халқ.*

*Мактабга йўқ бир тийини, тўйга минг сўмлаб берур,
Чорасиз мушкул касалга мубталоодур бизни халқ...*

Ўзбек халқининг ўша йиллардаги аянчли ҳолати Тавалло ва Бошқа шоирларнинг шеърларида ҳам ҳаққоний тасвирланган.

— Жадидчилик ҳаракати ва адабиёти одамларнинг оғир ҳаётига чек қўйиш, уларни ёруғ ва фаровон кунларга олиб чиқиш, ўзбек халқининг иқтисодий, ижтимоий ва маданий аҳволини тубдан яхшилаш мақсадида бошланган...

муаллимларнинг деворга харита илиби, ёр юзининг думалоқ шаклда бўлгани ҳақидаги сўзларини ашитган мутаассиб кишилар жадид мактабларига қарши кураш бошлайдилар. Ўқувчиларнинг Туркистон генерал-губернаторлиги томонидан очилган рус-тузем мактабларига эмас, балки жадид мактабларида таълим ола бошлаганини кўрган генерал-губернаторлик ҳам ташвишга тушади ва мазкур мактабларнинг ҳукумат русхатисиз очилганини пеш қилиб, ёпишга уринади.

— Ўша йилларда жадид мактабларидан ташқари, жадид газеталари ҳам чика бошлаган, дин арбобларининг қаршиликка қарамай, фотография билан ҳам шуғулланиш бошланган экан, шундайми?

— Ҳа, мактаблардан ташқари, газеталар чоп этилиб, Тошкент, Хива ва Қўқон шаҳарларида суратхоналар ҳам очилган. Тошкентда Илҳом самоварчи томонидан очилган суратхона ҳақида Муминжон Муҳаммаджонов бундай ажабтовур сўзларни ёзган: “Илҳом самоварчи катта созанда ва ашулчилардан бўлиб, акалари билан бирга созларини чапиб, ашула айтар эди. Илҳом самоварчининг чойхонаси бозорнинг ўрта бир өрида (эски Бўйра бозорининг тўғрисида) эди. Бу Илҳом самоварчи 1905 йиллардан кейин газеталар ўқий бошлаб, фикри очилиб, сурат олишни ўрганиб, ўзи ўрганибгина қолмай, укаларига ҳам ўргатди. Бир томонга устол-устуллар қўйиб, ёврополиклар келса, шунда ўтқузуб, истаконда қандлик

остида бир йил ҳам давом этолмасдан, кетма-кет ёпишдилар. Булар ўша вақтнинг зиёлилари ва тараққийпарварлари томонидан чиқарилар эди. Ўша вақт диндор мутаассиб мулгалари ва уларга эргашувчи фанатиклар: “Газета ва журнал ўқувчилар, ўрусча ўқувчилар ҳам устулда ўтируб омакат ёзувчилар кофир ва хотунлари талоқ”, деб фатво берар эдилар.”

Муминжон Муҳаммаджонов давом этиб, бундай “қувончбахш” маълумотни беради: “Шундай бўлса-да, газета ўқувчилари кўпая бошлади. 1. Бешоғоч даҳа “Ўзбек” маҳаллалик Шохидоят бойнинг ўғли Шоиқматулло. 2. Раис қўчалик Тангрикул хожи. 3. Илҳом самоварчи. 4. “Тўқри жаллоб” маҳаллалик Убайдуллоҳ соатсоз ва Шайхондан тахур даҳада бир қанча одамлар газета олиб ўқуб фикрлари очила бошлади.”

Муминжон Муҳаммаджонов бу сўнги сўзларини қанчалик гурур билан ёзган бўлса-да, жадид газеталаридан бирига бор-йўғи беш-олти кишининг обуна бўлгани ўзбек халқининг, жумладан, зиёлиларининг маданий савияси қандай бўлгани ҳақида тасаввур беради.

Мен Муминжон Тошқиннинг бу сўзларини ўқиганимда Бехбудийнинг рус журналисти ва ёзувчиси Гр. Андреевга айтган куйидаги гаплари ёдимга тушади. “Менинг газеталарим, — деган эди у, — мушмонларимизнинг зулматли муҳитига маърифат нурларини олиб кирди. Мен хон даврининг,



қуллик ва жаҳолат даврининг бир умрга етгани ҳақида ёздим. Энди ҳар бир киши нима билан шуғулланишини хоҳласа, ўша билан шуғулландай. Ҳар бир киши Худого қандай хоҳласа, шундай эркин сиғинади. Мен русларни бизни қисқа муддатга эмас, мангуга бўйсундирганлари ҳақида ёздим. Шунинг учун ўлкада рус давлати тилини ўрганиш лозим, уни ўрганмай туриб яшаш мумкин эмас. Мен куч қийим-кечақда эмас, балки моҳиятда, дедим. Европога либос кийиш мумкин, аммо шу билан бирга ҳақиқий мусулмон бўлиб қолиш мумкин, зеро, кийим-кечак уни қийан кишининг эътиқодини ўзгартириши асло мумкин эмас.

Аммо хон даврининг барча аъёнлари асосида тарбияланган мулгалар ва кекса авлод менин лқойид мусулмон оммасини уйғотишга қаратилган интилишни учун мени руспарастликда, ота-боболаримиз эъзозлаган шарият ва муқаддас ўтмиш асосларини бузишга интилишда мутаассибларча айбандилар. Обуначилар сони оз бўлганили сабабли бир йилдан кейин газетани ёпишга мажбур бўлдим.”

Жадидлар ана шундай оғир шароитда ишладилар. Ҳатто газеталар, китоб, дарслик ва ўқув қўлланмаларини ўз ҳисобларидан чоп этиб, иқтисодий жиҳатдан мушкул кунларни бошларидан кечирдилар. Улар халқ ва жаҳият ҳаётини чирмаб ташлаган зулматни маърифат нури билан қувмоқчи бўлдилар.

— Кўп йиллар давомида мустамакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш бўйича ҳам иш олиб боргансиз. “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуғи ва Қатагон қурбонлари хотираси музейига асос солинишига ҳисса қўлгансиз.

— Мен адабиётшуносликке ҳеч ким миннатдор бўлмайдиган соҳага кириб қолганимни омад деб биламан. Агар елкамга шу соҳанинг омад куши қўнмаганимда мустамакачилик даврида қурбон бўлган улуғлар тўғрисида китоб ва мақолалар ёзиб, эл назарига тушмаган, бинобарин, мустамакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш ишига яқинлаштирилмаган бўлардим.

1999 йилда Ўзбекистоннинг Биринчи Президентининг фармони билан мен дастлаб Мустамакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш комиссияси расис этиб тайинландим. Кўп ўтмай, бу лавозим ёнига “Шаҳидлар хотираси” хайрия фонди раиси, яна бир омаддан кейин Қатагон қурбонлари хотираси музейи директори лавозимлари қўшилди. Шу вақтгача “халқ душманлари”нинг фарзандлари ҳисобланиб, арз-доғларини ҳеч ким эшитмаган кишилар дастлаб комиссияга, кейин фонд ва музейга келиб, бизга азиз кишиларидан кутлуг хотира бўлиб қолган

газета мақоласи ёки юзига “Х” чиқиқлари тортилиб эскирган фотосуратларни олиб кела бошладилар. Биз уларнинг илтимослари билан дастлаб КГБ, кейин МХХ деб аталган идора архиви ходимларига буюртманом бериб, бир қанча жабдий-даларнинг фожиали тақдир тўғрисида маълумотномалар бера бошладик. Кейин олган материалларимиз асосида газета ва журнал мақолалари, рисола ва китобларни эълон қила бошладик. Тошкентда, бизнинг комиссияда мендан ташқари Шерали Турдиев, Собир Мирвалиев, Сирожиддин Аҳмедов, Хуршид Дўстмуҳаммад, Холида Аҳорова, Сотимжон Холбоев сингари фидойи адабиётшунос ва тарихчи олимлар, ёзувчилар бўлишган. Вилоятларда ташкил этилган комиссиялардан фақат биттаси — профессор Рустам Шамсиддинов раҳбарлигидаги андижонлик тарихчилар хайрли ишга бел боғлаб киришдилар. Биз қарийб барча вилоятларда Чўлпон (Андижон), Хусайнхон Нисвий (Тошкент), Обиджон Маҳмудов (Қўқон), Рафиқ Мўмин (Наманган) каби таниқли шахсларга, шунингдек, “қулоқлаштириш” кампанияси қурбонларига бағишланган 20 дан ортиқ хотира кечасини ўтказдик. Ҳар биримиз улар ва бошқаларга бағишланган унлаб мақолалар, рисолалар, китоблар эълон қилдик. Рустам Шамсиддинов шогирдлари билан бирга Москва, Боку сингари шаҳарларга экспедиция билан бориб, бир

ўзи 20 га яқин китоб ва рисола яратди. Бу ишларимизнинг натижалари Қатагон қурбонлари хотираси музейининг барпо бўлишида асосий манба бўлиб хизмат қилди. Бундан ташқари, бизнинг ташаббусимиз билан қатагон қурбонлари ҳақида бир неча ҳужжатли ва телевизион фильм майдонга келди.

— Аждодларимиз ўғити ёшларимизнинг қомил инсонлар бўлиб ўлгайишида йўлчи қолдуз ўлароқ машъала ва маёқ вазифасини ўтайди. Шу ўринда эртамиз эгаларига салкам 90 ёшли нурувий бобо сифатида нима деб насихат қилган бўлардингиз?

— Дарҳақиқат, илм-фан, маданият ривожига, инсоният маънавияти такомилга улкан ҳисса қўшган алломаларнинг бебаҳо меросини ўрганиш, уларнинг ибратли ҳаёти ҳамда беназир кашфиётларининг жаҳоншумул аҳамиятини келажак авлодга етказиш бугунги куннинг долзарб масалаларидандир. Ёшларимиз юрт учун, халқ учун, шу ёруғ кунлар учун курашган, жонидан келган, ўлимга маҳкум этилиб, ўзини мардона фидо қилган маърифатпарварларимизнинг беназир ижодини ўқиб, кенг ўрганиб, ўларнинг оғ ва тафаккурини янада бойитишлари керак.

Шу ўринда, Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган Адиллар хийбони ёшларимизни эзгуликка етакловчи, яхшиликка ундовчи, маърифат нурини таратувчи маънавий сарчасамас, эзгулик гулдастаси бўлган муқаддас гўша, улуг бир даргоҳга айланди.

Бу хийбон адибларимизнинг буй тарихимизни ўрганишда, маънавий меросимизни асрашда, қадриятларимизни қадрлашда, энг асосийси, ёшларимизга Ватанимизга садоқатли инсонлар бўлиб ўлгайишида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев: “Янги Ўзбекистонни, албатта, ёшлар билан бирга қураемиз. 2020 йил ёшларга оид давлат сийбатида туб бурилиш йили бўлади”, дея таъкидлаган. Бу сўзлар келажак авлодга билдирилган катта ишончдир. Катта орзу ва мақсади бор, бироқ уни амалга оширишда иккиланиб, бир оз қийналиб турган миллионлаб ёшларга биз ўз нияти сари юксалишига қанот бўлди.

Мен шу юртининг иқболи порлоқ, бахтиёр ёшларига қарата: “Ҳар бир куннинг қадрига етиб, айнан шу синови даврда давлатимиз раҳбарининг юқоридаги турмушно сўзларининг мағзини янада тереаноқ анигла. Сизларга билдирилган чексиз ишончини оқлашга, шу муқаддас она заминнинг ҳақиқий ва муносиб эгалари, самодғи ёруғ юлдузлари, ердаги яратувчилари бўлишга ҳаракат қилинг”, деган бўлардим.

“Янги Ўзбекистон” мухбири Гуличеҳра ДУРДИЕВА сўхбатлашди.

Олим билан сўхбатимиз дунё тамаддуни ривожига улкан ҳисса қўшган жадидчиларнинг илмий мероси, ҳаёти ва ёш авлод тарбиясидаги ўрни хусусида кечди.

— Давлатимиз раҳбари Олий Мажлиси Мурожаатномасида: “Биз жадидчилик ҳаракати, маърифатпарвар боболаримиз меросини чуқур ўрганишимиз керак. Бу маънавий хазинани қанча кўп ўргансак, бугунги кунда ҳам бизни ташвишга солаётган жуда кўп саволларга тўғри жавоб топамиз. Бу бебаҳо бойликни қанча фаол тарғиб этсак, халқимиз, айниқса, ёшларимиз бугунги тинч ва эркин ҳаётнинг қадрини англаб етати”, деб таъкидлаганди. Жадидчилик соҳасини чуқур ўрганган олим сифатида бу борадаги фикрларингиз билан ўртоқлашсангиз.

— XIX аср охири — XX аср бошларида майдонга келган жадидчилик ҳаракати ва адабиёти намояндлари, Президентимиз айтганидек, бизнинг маърифатпарвар боболаримиздир. Афсуски, уларнинг миллий уйғониш гоялари билан йўғрилган ҳаёти ва фаолияти, бир томондан, Чор Россияси, иккинчи томондан, совет давлатининг қаттиқ таъқиқи остида кечди ва улар ҳаёти фожиа билан тугади. “Халқ душмани” сифатида отиб ташланган бу улуг зотларнинг адабий-педагогик мероси бизгача тўла етиб келмади.

Бу меросни ташкил этган асарлар куйдириб ташланди. Шунга қарамай, масалан, Маҳмуджўжа Бехбудийнинг ўнлаб мақолалари “Самарқанд” газетаси ва “Ойна” журнали саҳифаларидагана эмас, балки Туркистондан ташқари Афғонистон, Россия ва Кавказда нашр этилган 10 дан зиёд газета ва журналда ҳам чоп этилганлиги, уларни тўплаб, нашр этиш ишлари эндигина бошланди. Ҳатто Фитрат ва Чўлпон сингари буюк ёзувчиларнинг адабий мероси ҳам халқгача халққа тўла етиб келмаган. Аммо



Буюк Аждодларимизнинг муқаддас хотираси ва жасорати олдига бош эгамиз.

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

миллий уйғониш даври намояндлари асарларининг ҳозир бизга етиб келган муйайн қисмининг узиёқ маданий меросимизнинг олтин фонди сифатида эъзозланиб, ўрганилиб, тарғиб этиб келинади.

Камина мустақиллик йилларида берилган бахтли имкониятдан фойдаланиб, Мунавварқори Абдурашидхонов, Боту сингари жабдийдаларнинг кўп жиддлик “дело”лари билан танишганимда, уларда катта тарихий аҳамиятга молик ноёб материалларни кўриб, уларни “Мутлақо маҳдий” грфиди остида “Ўзбекистон тарихи учун материаллар” туркум китобларини тайёрлаш ва нашр этиш орузи билан яшади. Афсуски, совет ҳокимиятининг сўнги йилларида ҳам, мустақилликнинг дастлабки йилларида ҳам бунинг имконияти бўлмади. Агар Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази ташкил этилиб, унинг ходимлари Давлат хавфсизлик хизмати хузуридаги институт вакиллари билан бирга шу олижаноб ишга киришсалар, тарихимизнинг кўпгина номаълум ва қоронғи саҳифалари нурланган ва Ўзбекистоннинг XX асрдаги мураккаб ва қонгли тарихи майдонга келган бўлар эди.

Жадид мутафаккирлари меросининг чуқур ўрганилиб, Бехбудий, Мунавварқори, Фитрат, Чўлпон, Тавалло сингари олим ва шоирлар “Тўла асарлар тўпламлари”нинг, шунингдек, “Ўзбекистоннинг XX асрдаги қонли тарихи” кўп жиддлик китоби нашр этилса, биринчидан, уларнинг Беруний, Ибн Сино даражасидаги сиймолар бўлганини, иккинчидан, ўта фожиали даврда, қўл-оёқлари кишанланган ҳолда яшаб ижод қилганларини кўрсатиш имконияти тутилган бўларди.

Амир Темура даврида дунёнинг энг қудратли давлатларидан бири бўлган салтанат секин-аста емирилиб, айниқса, XVIII аср охири — XIX аср бошларида шундай ҳолга тушган эдики, унинг Чор Россияси кўнларини томонидан забт этилиши ҳеч кимни ажаблантирмади. Шу даврда Туркистоннинг нафақат давлат сифатидаги маъкеи,



— Албатта, жадидлар назарида, бундай эзгу мақсадга эришиш учун халқнинг ижтимоий ва ҳуқуқий онгини ўстириш, бошқа илгор халқлар сингари эмин-эркин яшаш учун, аввало, уни маърифатлаштириш, эскирган таълим усулини янгилаш, Европа типидagi мактабларни очил лозим эди. Ўзбек халқи бахтига, шундай мактаблар очила бошлади. Тошкентда биринчи бўлиб “янги усул” мактабини очган ва қувончли натижаларга эришган муаллим Мунавварқори эди. У ўз таърибасининг ёйлиши ва ота-оналарда жадид мактабининг афзаллигига ишонч уйғотиш мақсадида 1907 йил 15 мартда мактабининг битирув имтиҳонларига нафақат Тошкент, балки Наманган, Қўқон сингари шаҳарлардаги таниқли муаллимларни ҳам тақлиф этади. Мунавварқори педагогик таърибасининг илк самараларини кўрган Исқоқхон Ибрат сингари муаллимлар ҳайратга тушадилар. Аммо ўзбек болаларининг ўрис болаларидек парталарда ўтиргангани кўрган,

чойлар берар эди. Чойхонасининг юқори томонига нобур (набор — харфлар солинган кутми — Н.К.) олиб келиб, кичикроқ босмахона очиб, майда-чуйда эълонлар, визитний картчалар боса бошладилар. Буни ҳам (харф тершини ва босишни ҳам — Н.К.) укаларига ўргатди. Ўша вақтларда Богчасаройда “Таржимон”, Қозонда “Юлдузи”, Санкт-Петербургда “Улфат” ва арабча “Тилмиз”, Урунбургда “Вақи” газетаси билан “Шўро” журнали, Бокуда “Иқбол” газетаси, Тифлсда “Мулла Насриддин” қули журнали чикар эди.

Тошкентда 1905 йилдан бошлаб Исмоил Обидуф тахрири (муҳаррирлиги) остида “Тараққий”, Абдулло Авлоний муҳаррирлиги остида “Шўхрат”, Аҳмадхон Бектемируф муҳаррирлиги остида “Осиё” ва Мунавварқори муҳаррирлиги остида “Хуршид” газеталари чикди. Газеталарнинг ҳаммаси бир вақтнинг ўзида эмас, биттаси чор ҳукумати томонидан ёпиғанда, шкинчиси турди. Бу газеталар чор чиновниклари ва палатасининг сиқили

Бош муҳаррир: Салим Дониёров

“Янги Ўзбекистон” газетаси учун масъул: бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари Бахтиёр Абдусатторов

Тахририятга келган кўпмазалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧК масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма — 2092. 42596 нусхада босилди. Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нарҳда.

“KOLORPAK” МЧК босмахонаси. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Эпбек кўчаси, 8-уй. Босмахона телефони: (71) 230-27-76

Навбатчи муҳаррир: Нодир Маҳмудов Мусахҳиж: Ойдин Аляутдинова Дизайнер: Зафар Бакиров

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎЗА Яқуни — 20:45 Топширилди — 22:25